

Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлиги

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ўзбекистон давлат Консерваторияси

Д.Ю.Саипова

ПСИХОЛОГИЯ

Маърузалар матни

Тошкент-2008

Тақризчи: профессор Р.Ғ.Қодиров

Ушбу «Психология» фани бўйича маъруза матнларида психологиянинг предмети, психология тарихи, билиш жараёнларининг психологик хусусиятлари, мулоқот, гуруҳлардаги психологик хусусиятлар, мустақил фикрлаш омиллари мулоқот, инсон индивид сифатида, темперамент, характер, қобилият, инсон субъект сифатида, ирода, ҳиссиётлар, идрок, онг, онгнинг тузилиши ва шахсни шакллантиришнинг психологик асослари атрофлича қамраб олинган. Бакалаврият таълим йўналишидаги талабалар ва шу соҳадаги ўқитувчилар учун тавсия этилади.

ЎзДҚнинг Илмий-услубий кенгаши томонидан кўпайтиришга тавсия этилган
(2008 йил, 5-май, баённома № 5)

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганига ўн икки йил тўлди. Мустақиллик халқ хўжалигининг, фан, маданият, санъатнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Айниқса, у халқ таълимининг ривожланишига, биринчи навбатда, олий таълимнинг юксалишига кенг имкониятлар очди. Натижада мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилишга, мутахассислар тайёрлашни жаҳон андозаларига яқинлаштиришга киришилди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши таълимни ислоҳ қилиш учун ҳуқуқий асос бўлди.

Республикаимизда жаҳон андозаларига мос кадрлар – бакалавр ва магистрлар тайёрлашга киришилди, чунки Президентимиз Ислон Каримов айтганидек, «...чуқур билимли, маънавий юксак, юқори малакали кадрлар етиштирмай туриб, келажаги буюк давлат қуриш мумкин эмас».

Олий ўқув юртида юқори малакали педагогик кадрлар етиштиришда психология фанининг роли ва ўрни буюқдир. Чунки психология жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсонни шакллантиришда алоҳида ўринда туради. Биз тайёрлаётган мутахасислар психология фанини чуқур ва пухта ўзлаштирган тақдирдагина ёш авлодни ҳар томонлама камолга эришган кишилар қилиб тарбиялай олишлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, психология фанини ўзлаштириш талабалар учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Бунга сабаб, биринчидан, талабалар, бу фанни ўрганишга биринчи бор дуч келганлари бўлса (мактабда урганилмаган), иккинчидан, инсоннинг ранг-баранг рухий олами, кўзга кўринмас ички ҳис-туйғулари, кечинмалари ҳақидаги мураккаб фанлиги, учинчидан, энг янги, замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг етишмаслигидир.

Ушбу маъруза матнини тузишдан мақсад, биринчидан, адабиётлар етишмаслигининг маълум даражада олдини олиш бўлса, иккинчидан, энг муҳими, психологик билимларни талабаларга осон, тушунарли, мисолларга бой қилиб етказишдир.

Маъруза матнини тузишда «Умумий психология дастури» (тузувчилар п.ф.д., профессор М.Г. Давлетшин ва катта ўқитувчи У.М.Умаров, Т., 1996 й)га ҳамда 2001 йил 16 августда тасдиқланган Давлат таълим стандартларига асосланганлиги. Матнни тузишда Э.Ғозиевнинг «Психология», «Олий мактаб психологияси», «Тафаккур психологияси» китобларидан, А.В.Петровский таҳрири остидаги «Умумий психология» дарслигидан фойдаланилди. Шунингдек, айрим психик жараёнларни ёритиш, назарий фикрларни исботлашда умумий психология буйича хрестоматиядан, психолог олимларнинг энг янги тадқиқотларидан, вақтли матбуот материаларидан ҳам фойдаланилди. Энг муҳими, матнни тузишда психология ўқитиш соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаларимизга таяндик.

Албатта, бу биринчи тажриба бўлганлиги учун айрим камчиликлардан холи эмаслиги табиийдир. Шунга қарамай, «Умумий психологидан маърузалар матни» психология ўқув фанини чуқур ва пухта ўзлаштиришда талабаларга кўмак беради деган умиддамиз.

ПСИХОЛОГИЯ

Умумпсихологик атама ва тушунчалар

- *Психология* – психиканинг ривожланиши ва фаолият қонунлари ҳақидаги фан.
 - «*Психология*» (юн.) – «психо», «псюхе» (руҳ, жон); «логия», «логос» (таълимот, фан).
 - Психика омиллари, қонуниятлари, механизмлари психология фани *предмети* ҳисобланади.
 - *Психология тармоқлари* – умумий психология, ёш психологияси, педагогик, ижод, санъат, мусиқа психологияси, психофизика, психофизиология, парапсихология, психиатрия, ижтимоий, этник, тиббий, космик психология ва бошқалар.
 - *Асосий психологик атамалар* – руҳ, онг, сезги, диққат, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл, ирода, ҳис, туйғу, темперамент, характер, қобилият.
 - *Руҳ, жон, қалб* – инсон ички дунёсини ифодаловчи тушунчалар.
 - *Онг* – воқеликнинг инсон тафаккуридаги аксининг энг юқори даражаси.
 - *Сезги* – нарса ва ҳодисаларни сезги аъзолари орқали ҳис қилишнинг оддий психик жараёни.
 - *Диққат* – маълум пайтда фаолиятнинг бир нарсага қаратилганлиги.
 - *Идрок* – нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири орқали тафаккурда акс этиши.
 - *Хотира* – эслаб қолиш, тўпланган тажрибанинг сақланиши ва тикланиши.
 - *Тафаккур* – билиш жараёнининг объектив борлиқ, воқеликнинг инсон онгида акс этишининг олий даражаси.
 - *Ҳаёл ёки фантазия* – янгилик яратувчи кишининг руҳий, ижодий фаолияти унсури.
 - *Ирода* –мақсадга эришиш йўлида қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолият.
 - *Ҳис-туйғулар* – бўлаётган ҳодисалар туфайли туғилган ички кечинмалар.
 - *Темперамент* – психиканинг динамик намоён бўлишига боғлиқ индивидуал хусусият.
 - *Характер* – (хос хусусият, белги) – бирор нарсага нисбатан муносабат жараёнида намоён бўлувчи индивидуал хусусият.
 - *Қобилият* – маълум бир фаолиятни муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив омили Ҳисобланувчи шахснинг индивидуал хусусияти.

1-Мавзу: Психологияга кириш

Режа:

1. Умумий психология фани ҳақида тушунча.
2. Психика соҳасидаги турли хил қарашлар.
3. Психика бош мия ва нерв системасининг маҳсули эканлиги.
4. Психиканинг рефлелтор табиати.
5. Психика ва онг.
6. Асаб тизимининг тузилиши.
7. Мия тузилиши Онгнинг тузилиши

Ҳар бир фаннинг ўз объекти, ўрганадиган соҳаси бўлади. Масалан, зоология ҳайвонлар, улар организмнинг тузилиши, яшаш шароитини ўрганса, астрономия осмон жисмлари, уларнинг хусусиятларини ўрганади.

Психология ҳам алоҳида фан бўлиб, воқеликнинг алоҳида соҳаси бўлган психик (руҳий) ҳаётни ўрганади. “Психология” сўзининг ўзи юнонча **псюхе** (руҳ, жон) ва **логос** (сўз, илм) деган икки сўздан олинган бўлиб, маъноси руҳ ҳақидаги илм демакдир. Лекин унинг бу маъноси ҳозирги замон психологиясининг асл мазмунини очиб бера олмайди. Чунки ҳозирги психология фани психика, унинг зохир бўлиши ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фандир (Ғозиев Э). Психология психик ҳолатлар, психик жараёнлар ва уларнинг механизмларини ўрганадиган фандир (А.В.Петровский).

Ҳар биримизда мавжуд бўлган сезгилар, идрок, диққат, хотира, ҳаёл, нутқ, тафаккур, ҳиссиёт, ирода кабилар психик жараёнлардир. Булардан ташқари ҳар бир шахснинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлар: қизиқиш, ҳавас, қобилият ва истедод, темперамент ва характер кабилар ҳам психик жараёнлар жумласига киради. Психик жараёнларнинг умумий йиғиндисини бир сўз билан психика деб юритамиз.

Психика органик ҳаётнинг юксак формаларидан бўлиб, у ҳайвонлар ва инсонга хосдир.

Лекин ҳайвонларнинг психикаси инсон психикасига нисбатан соддароқ тузилгандир. Инсон психикаси миқдор жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам ҳайвонникидан фарқ қилади.

Инсондаги психик ҳаёт соҳалари ниҳоят хилма-хилдир. Шунга қарамадан улар бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлади. Психология фанининг вазифаси ана шу боғланиш ва муносабатларнинг қонуниятларини очиб беришдир. Бундан ташқари, Республикаимиз мустақиллика эришган ҳозирги даврда инсон онгидаги сарқитларни, биринчи навбатда, собик коммунистик ғоялардан халос қилиш, болани янгича фикр юритишга ўргатиш, унинг онгига таъсир қилишнинг энг самарали йўллари кўрсатиб бериш ҳам психологиянинг вазифасидир.

Психология қадимий фанлардан бўлиб, у бундан 2,5 минг йил илгари пайдо бўлган. Қадимги грек философларидан Героклит (э.о. 530-470) Демокрит (э.о.460-370), Гиппократ (э.о.VI аср), Сократ (э.о.459-399), Платон (э.о.428-348) нинг асарларидаёқ кишининг жони ва руҳий ҳаёти тўғрисида

жуда кўп ва хилма-хил фикрлар баён қилинганини кўрамиз. Инсон рухий ҳаёти ҳақидаги айрим фикрларни қадимги хитой ва ҳинд мутафаккирларининг асарларида ҳам учратиш мумкин. Лекин инсон психикаси ҳақидаги мунтазам таълимотни биринчи марта юнон философи Аристотель (Арасту) (э.о.384- 322 й) яратган. У “Жон ҳақида” деган асарида психика ҳақида батафсил тўхталиб, унинг кўпгина томонларини тушунтиришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга, ўзидан олдинги олимларнинг фикрларига тарихий шарҳ берган. Шунинг учун ҳам у психологиянинг «отаси» ҳисобланади.

Психик жараёнлар миянинг алоҳида хоссаси бўлиб, фақат миянинг фаолиятига боғлиқ ҳолда рўй беради. Одам бош мияси юксак даражада ташкил топган материя бўлиб, психика эса ана шу материянинг маҳсули, унинг функциясидир.

Психик ходисаларнинг қандай рўй беришини билиш учун унинг моддий асоси – нерв системасига боғланган ҳолда ўрганиш керак. Чунки инсондаги барча психик жараёнлар бош мия ва нерв системаси фаолиятининг натижасидир.

Ҳеч қандай психик жараённинг ўз-ўзича ҳосил бўлиши мумкин эмас, психика фақат у ёки бу кўзғовчининг мияга таъсири туфайлигина вужудга келади. Психиканинг бошланиши кўзғовчининг таъсири бўлса, унинг охириги натижаси организмнинг кўзғовчига жавобидир. Ҳар қандай психик фаолият миянинг акс эттирувчи, рефлектор фаолиятидангина иборатдир.

Маълумки, психика ва онг бирданига пайдо булмаган, балки узок тарихий эволюция натижасида шаклланиб, ўсиб, такомиллашиб борган. Дастлаб ерда ҳаёт пайдо бўлганда бир хужайрали ҳайвонлар вужудга келган. Уларга психик жараёнлардан сесканувчанлик хос бўлган. Секин-аста узок эволюция натижасида ҳайвонларнинг такомиллашиб бориши натижасида уларнинг нерв системаси ва бош мияси ҳам ўсган. Миянинг ривожланиши эса турли психик жараёнларни вужудга келтирган.

Инсон психикасининг тараққиёти филогинез ва онтогинезни бошидан кечиради. Филогинез шуки, одамзод пайдо бўлгандан токи ҳозирги давргача авлоддан-авлодга психика такомиллашган ҳолда ўтган. Масалан, дастлабки одаминсон маймунлар ёки ибтидоий жамоа тузуми давридаги одамлар билан ҳозирги инсонлар психикаси ўртасида беқиёс даражада катта фарқ бор. Онтогинез эса бола туғилган кундан токи умрининг охиригача ёшининг ортиб бориши билан психикасининг ҳам ўсиб, ривожланиб боришидир.

Мия ва психика

Психика миянинг хусусиятидир. Сезги, фикр онг махсус тарзда ташкил топган материянинг олий маҳсулидир. Организмнинг психик фаолияти тананинг кўп сонли махсус аъзолари воситасида амалга оширилади. Улардан баъзи бирлари таъсиротларни қабул қилса, бошқаси уларни сигналларга айлантиради, хатти-ҳаракат режасини тузади ва унинг ижросини назорат қилади, учинчи бир хили хатти-ҳаракатга куч-ғайрат ва шиддат бағишлайди, тўртинчи хили мушакларни ҳаракатга келтиради ва ҳоказо. Ана шу мураккаб

ишнинг ҳаммаси организмнинг ташқи муҳитга фаол мувофиқлашувини ва ҳаётий вазифаларнинг ҳал этилишини таъминланди.

Бир ҳужайрали, масалан, амёба каби организм на овқатни идрок этиш учун, на уни излаш учун, на уни хазм қилиш учун ҳеч қандай ихтисослашган аъзоларга эга эмас. Ёлғиз биттагина ҳужайранинг ўзи ҳам сезувчи, ҳам ҳаракатланувчи, ҳам овқат хазм қилувчи аъзо бўлса керак. Юксак тараққий этган ҳайвонларда аъзоларнинг ихтисослашуви озикани фарқлаш, хавф-хатарни *жуда* тез ва аниқ сезиш имконини беради. Ихтисослашувнинг *яккаю-ягона функцияси сигналларни идрок этишдан иборат ҳужайраларнинг пайдо бўлишида* ўз ифодасини топади. Бу ҳужайралар *рецепторлар* (ташқи муҳитнинг таъсирини қабул қилувчи аппарат) деб аталмиш ҳужайралар гуруҳини ташкил этади. Бошқа ҳужайралар мушак тўқималари ишини ёки турли хил безларнинг шира чиқаришини ўз зиммасига олади. Бундай ҳужайралар *эффекторлар* дейилади. Ҳаёт аъзолари ва функциялар ўртасида узлуксиз алоқа бўлишини, ҳаракатларнинг теvarак-атрофдаги нарсалардан ва организмнинг ўзидан бўладиган сигналлар оқими билан келишилган бўлишини тақозо этаётган бир пайтда ихтисослашув аъзолари ва функцияларни бир-биридан ажратади. Бунга организмнинг асосий «бошқарув пульти» - яхлит бир бутун наrsa сифатида ҳаракат қиладиган *марказий асаб тизими* воситасида эришилади.

Асаб тизими тузилишининг умумий плани барча умуртқалиларда бир хил. Унинг асосий элементлари *асаб ҳужайралари* ёки *нейронлар* бўлиб, уларнинг вазифаси кўзғатишдан иборатдир. Нейрон *ҳужайра таначасидан* ва таначанинг шохлаб кетган усимталари - кўзғатишни қабул қилувчи *дендритлардан* ва кўзғатишни бошқа нейронларга ўтказадиган толалар - *аксондан* таркиб топади. Аксоннинг дендритлар билан ёки бошқа нейронларнинг ҳужайра танаси билан боғланадиган нуқта *синапс* деб аталади. Шу нуқтада нейронлар ўртасида функционал боғланиш юз беради. Асаб тизимидаги янги боғланишларнинг ҳосил бўлиши механизмини тушунтириб беришда синапс ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Синапс - кўзғалиш бўйича қўйилган ўзига хос тўсиқ бўлиб, кўзғалиш уни енгиб ўтиши керак. Баъзи тўсиқлар енгиш осонроқ, бошқаларини эса қийинроқ, айрим ҳолларда иккала йўлдан бирини танлашга тўғри келади. Марказий асаб тизимининг ўзи икки қисмдан – бош мия ва орқа миядан ташкил топган.

Бош миянинг юқори қисми олти қават нейронлар (10 мил-дга яқин) билан қопланган ҳамда пўстлоқ деб аталадиган катта ярим шарларни ҳосил қиладди. Пўстлоқ - психик фаолиятнинг энг муҳим (лекин яккаю-ягонаси эмас) органидир. Ярим шарлардан пастроқда, энса қисмида *мияча* жойлашган бўлиб, унинг функциялари ҳали етарлича ўрганилмаган. Унинг мушаклар ҳаракатини уйғунлаштиришда жиддий роль ўйнаши маълум. Катта ярим шарларга *мия найчаси* келиб тақалади. Найчанинг юқори қисми - *таламус* орқа миядан катта ярим шарларга борадиган барча асаб йўллари учун «оралиқ станцияси» вазифасини бажаради. Найчанинг пастки қисми - *гипоталамус* сув алмашинувини, овқатланиш эҳтиёжини ва организмнинг бошқа функцияларини бошқариб турадиган марказлардан таркиб топгандир.

Хозирги замон фанида мавжуд тасаввурларга қараганда, *орқа мия ва мия найчаси рефлектор фаолиятининг асосан туғма (шартсиз рефлекслар) ҳисобланган шаклларни амалга оширади, катта ярим шарларнинг қобиғи эса ҳаёт кечирishi жараёнида орттириладиган ва психика томонидан бошқариладиган хулқ-атвор шакллари органи ҳисобланади.*

Тананинг ҳар бир сезувчи аъзоси (тери, кўзнинг тўр пардаси ва шу кабилар) ва ҳар бир ҳаракат аъзоси мияда ўзининг хусусий марказларига эгадир.

Одамдаги психик жараёнларнинг мияга оид механизмлари билан ҳайвонлар психикаси механизмлари ўртасида ўхшашлик кўп. Барча сут эмизувчиларнинг асаб тизими ва иши бир хил характерга эгадир. Шунинг учун ҳайвонларнинг миясини ўрганиш фақат физиологияни эмас, балки психологияни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, одам билан ҳайвоннинг психик фаолияти ўртасидаги тафовутлар фақат *миқдор* характерига эмас, балки *сифат характерга* ҳам эгадир. Бу тафовутлар киши организмнинг бутун тузилиши ва функциясини тубдан ўзгартирган қудратли моддий омил - меҳнатнинг таъсири остида табиий йўл билан, пайдо бўлгандир. Психиканинг органи - бош мия ҳам ўзгарди. Одамнинг психик ҳаётида катта ярим шарлар қобиғи сиртининг ўттиз фоизини эгаллайдиган *пешана қисмлари* алоҳида роль ўйнайди. Пешана қисмларининг шикастланиши кўриш, нутқ, ёзиш қобилияларини сақлаб қолиб, арифметика масалаларини ечган ҳолда унинг шартларини таҳлил этишга ўринмайдилар, ўз хатоларини сезмайдилар, кўрс, жиззаки, енгилтак бўлиб қоладилар.

Психик функциялар муайян тарзда чап ва ўнг ярим шарлар ўртасида тақсимланган бўлиши аниқланган. Ҳар иккала ярим шарлар ахборотни образлар тарзида, сўзлар тарзида ҳам қабул қилиш ва қайта ишлаш қобилиятига эга, аммо чап ва ўнг ярим шарларда у ёки бу функцияларнинг турлича даражада ифодаланиши - *бош миянинг функционал асимметрияси* ҳам юз беради. Чап ярим шарнинг функцияси ўқиш ва ҳисоблашдан, умуман кўпроқ белгиларга асосланган ахборотга таянишидан иборатдир. Чап ярим шар мантиқий тузилишлар имкониятини таъминлайди, бусиз изчил аналитик тафаккур бўлиши мумкин эмас. Чап ярим шар фаолиятининг издан чиқиши, одатда нутқнинг бўзилишига (сўзлаш қобилиятининг йўқолишига) олиб келади, нормал муомала имкониятини йукка чиқаради, асаб тўқималари оғирроқ шикастланганда - фикрлаш фаолиятида жиддийроқ нуқсонлар содир бўлади. Ўнг ярим шар образи ахборотни ишга солиб, бўшлиқда мўлжал олиш, мусиқани идрок этилаётган ва тушунилаётган объектларга нисбатан ҳис-ҳаяжонли муносабатда бўлишга имкон беради. Ҳар иккала ярим шар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлайди. Функционал асимметрия фақат одамга хосдир. У одамда чап ёки ўнг ярим шарнинг нисбатан кўпроқ ишлашига олиб келаётган ва оқибатда унинг индивидуал-психологик характеристикасига таъсир кўрсатадиган муомала жараёнида шаклланади.

Онг ҳақида тушунча

Онг психиканинг олий, уни яхлит бир ҳолга келтирувчи шакли бўлиб, кишининг меҳнат фаолиятида, бошқалар билан доимий мулоқот қилиш жараёнида шаклланишининг ижтимоий-тарихий шарт-шароитлари натижаси ҳисобланади. Онг теварак-атрофимизни қуршаб турган олам ҳақидаги билимлар мажмуидан иборатдир. Онг одамнинг мақсадини кўзловчи фаолиятини таъминлайди. Онгнингюқорида кўрсатиб ўтилган барча ўзига хос хусусиятлари шаклланиши ва намоён бўлишининг муқаррар шарти тил-нутқ ҳисобланади.

Кўпинча биз психика билан онгни бир маънода ишлатамиз. Чунки психиканинг юксак шакли онг бўлиб ҳисобланади. Лекин психика инсонларга ҳам, ҳайвонларга ҳам хосдир, онг эса фақат инсонларга хос хусусиятдир. Шундай экан, ҳайвон психикаси билан инсон онгини бири-биридан фарқ қила билмоқ керак. Яна шуни қўшиш керакки, психика сўзи мантиқ жихатдан олганда кенг маъноли, онг эса унга нисбатан тор маъноли тушунчадир.

Инсон онгининг ҳайвон психикасидан асосий фарқини қуйидагиларда кўриш мумкин:

1. Инсон ҳайвонлардан фарқ қилиб ўз фаолиятининг бўлажак натижасини олдиндан кўра олиши мумкин. Бундан ташқари, киши ўз ишини олдиндан режалаштиради, уни бажариш учун энг осон йўл, усулларни танлайди.

Агар ҳайвонлар атрофдаги муҳитга онгсиз равишда маслашсалар, инсон эса уз эҳтиёжини қўпроқ даражада кондириш учун муҳитга онгли, режали равишда мослашади. Бу мослашиш меҳнат жараёни орқали бўлади.

2. Инсон шунинг учун ўз фаолиятини режалаштирадики, олдиндан кўра биладика, чунки у нутққа эгадир. Унинг нутққа эга булиши ҳайвонлардан ажратиб турувчи иккинчи муҳим фарқидир. Доимо бошқалар билан муносабатда бўлиш, китоб ўқиш, ишлаб чиқариш маданияти билан танишиш, техникани эгаллаш туфайли инсон ўз онгини бойитиб, ўстириб боради.

3. Инсоннинг ҳайвонлардан яна бир муҳим фарқи шуки, у у жамият ичида, жамоа ичида яшайди. Жамиятда яшамасдан, жамоа аъзолари билан муносабатда бўлмасдан туриб инсон шахси шаклланмайди.

Инсоннинг онги меҳнат жараёнида, янги-янги меҳнат қуролларини ясаш жараёнида ўсиб боради.

Хулоса қилганимизда, психология инсон ва ҳайвонга хос бўлган психик жараёнларни, уларнинг пайдо бўлиш йўллари ва ривожланиш хусусиятларини ўрганадиган фандир. Психика эса бош мия ва нерв системасининг маҳсулидир. У доим ўсиб, ривожланиб боради. Психиканинг энг юксак шакли онг бўлиб, у фақат инсонларга хосдир. Онг шахсий ва ижтимоий шаклда бўлади.

Маърузанинг таянч тушунчалари:

психика, психология, билиш, психик жараёнлар, психик ҳолатлар, психик функциялар, психик ходисалар, онг, филогинез, онтогинез.

Мустақил иш мавзуси:

1. *Психологияга таъриф беринг.*
2. *Психика нима? Идеалист ва материалистлар психика ҳақида*
3. *Психиканинг рефлектор табияти.*
4. *Психика – билиш - онг ўртасидаги асосий фарқлар.*

2-мавзу: Психологиянинг умумий асослари

Режа:

1. *Рефлекс ҳақида тушунча.*
2. *Психик жараёнлар.*
3. *Психик ходисалар.*

XVII аср биологик ва психологик билимлар тараққиётида янги даврни очиб берди. Танага нисбатан ҳам, руҳга нисбатан ҳам қарашларда туб бурилиш юз берди. Инсон танаси машинага ўхшатилади, техника қурилмаларининг тузилиши қандай принципларга асосланган бўлса, тана тузилиши ҳам шундай принципларга асосланган деб тасаввур этилади, бинобарин тана ҳам машина сингари руҳнинг бошқаришига мухтож эмас деб қаралади. Француз олими *Декарт* (1596-1650) томонидан хулқ-атворнинг рефлектор (ғайриихтиёрий) табиатга эга эканлиги кашф этилиши ана шу ғоя билан узвий боғлангандир. Буюк француз мутафаккири юракдаги мушакларнинг ишлаши қон айланишининг ички механикаси билан бошқариб турилгани каби хулқ-атворнинг ҳамма даражаларидаги бошқа мушакларнинг ишлаши ҳам худди соат механизмида миллиарнинг айланишига ўхшаса керак, деб тахмин қилган.

Рефлекс ҳақидаги тушунча организмнинг ташқи таъсирга қонуний жавоб реакцияси сифатида пайдо бўлди, Декарт мушаклар ташқи турткиларига руҳнинг ҳеч қандай аралашувисиз, асаб системасининг тузилиши эътибори билан ҳам жавоб қайтаришга қодирлигини исботлаб берди. Ахир биз соат механизмининг ёки жисм юзасидан қайтаётган нурнинг ҳаракатини руҳнинг иши деб айтмаймиз-ку. Ҳайвонлар ҳам ўзига хос механизмлар бўлиб ҳисобланади, асаблардаги жараёнлар эса нурнинг қайтиши каби миядан мушакларга ўтиб акс этади (лотинча «рефлекс» сўзи акс этиш деган маънони англатади).

Бу нуқтаи назар чинакамига революция бўлиб, асаб-мушак фаолиятини объектив равишда билиш воситасига айланди. Декарт ўзининг «асаб машинаси» ҳаракатларидан бунга қадар руҳгагина хос деб ҳисоблаб келинган кўп сонли психик ҳодисаларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилган эди. У сезгилар, ассоциациялар, кучли эхтирослар қандай юзага чиқиши мумкинлигини тушунтириб берди.

XVIII аср асаб тизимини тадқиқ қилишда янги улкан ютуқлар билан нишонланди (*Галлер, Прохазка*). Шу аснода психика механик ҳаракат андозаси буйича эмас, балки организмнинг бошқа ҳаётий функциялари андозаси буйича тасаввур қилиниши керак деган фикр туғилади. *Психика*

миянинг функцияси эканлиги ҳақидаги таълимот таркиб топади. У XVIII асрдаги француз материалистлари томонидан илгари сурилган эди. Улар ташқаридан ҳосил қилинадиган таассуротлар тафаккур жараёнининг бошланғич моменти, фикрнинг сўз ёки имо-ишора орқали ифода этилиши пировард моменти ҳисобланади, ҳар иккала момент орасида эса мияда асабнинг номаълум жараёнлари руй беради, деб исботлашарди. Кўриниб турибдики, бу ҳолда ҳам принципиал схема рефлексни эслатади. Лекин француз материалистлари «рефлекс» терминини фақат ташқи кўзгатувчига жавобан онгсиз қилинадиган ҳаракатга нисбатан ишлатишади.

Организмга ҳаракатларнинг икки хил тури - ихтиёрий (онгли) ва ихтиёрсиз (онгсиз, рефлексор) турлари хосдир, деган фикр ўтган асрнинг биринчи ярмида кенг тарқалган эди.

Бу фикрнинг тўғрилигини физиологияда инглиз *Чарльз Белл* ва француз *Франсуа Мажанди* томонидан сезувчи ва ҳаракат асаблари ўртасидаги тафовутларнинг кашф этилишига олиб келган ажойиб ютуқлари ҳам тасдиқлайди. Орқа мия асаб томирларини кўзгатиш турлича натижаларга олиб келди. Мушаклар фақат олдиндаги томирлар кўзгатилгандагина ўзгаргани кўзатилди. Орқа томирларга келганда шуни айтиш керакки, уларнинг сезувчанлик функцияси борлиги эътироф этилди. Сезувчи асабнинг учлари кўзгатилганда бу асабдан орқа миядаги асаб маркази орқали импульс ҳаракатлантирувчи асаб бўйлаб мушакка ўтади. Ана шу йўлнинг ҳаммаси *рефлексор ёйи* деган ном олди. Рефлекс ҳодисаси фалсафий тахминдан тажрибада синалган фактга айланиб қолди. Лекин рефлексор ёйи механизми фақат содда формадаги ҳаракат реакцияларни тушиниш имконини беради. Биолог *Пфлюгер*нинг ўтган асрнинг 50-йилларида ўтказган тажрибалари рефлекс ҳақидаги тушунча фақат одамнинг эмас, балки теварак-атрофдаги шарт-шароитларга мослашишга лаёқатли ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам изоҳлаб беришга ожизлик қилиб қолишини кўрсатган эди. Кўпгина фактлар рефлекс ҳақидаги тушунча ёрдамида хатти-ҳаракатни бутунлича изоҳлаб бериш мумкинлигига шубҳа билдиришга мажбур этди. Лекин шунга қарамай бу тушунчада қимматбаҳо бир ғоя мужассамлашган эдики, унга кўра организмнинг фаоллиги моддий аъзога моддий таъсир кўрсатиш билан белгиланади. Бу ғоядан воз кечиш руҳнинг танани ҳаракатга келтирувчи куч эканлиги ҳақидаги эски тасаввурларга қайтишдан иборат бўлур эди. Фанда мураккаб вазият вужудга келди: бир томондан, тирик мавжудотларнинг фаоллиги сабабларини фақат рефлекс ҳақидаги тушунча изоҳлаб берар эди. Иккинчи томондан, ушбу фаолликни кўзатиш уни асабларнинг оддий механик алоқаларидан ташқарига олиб чиқиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

Онгнинг ҳаракати (психик ҳодиса) руҳнинг танасиз моҳият хусусияти эмас, балки Сеченов тили билан айтганда, «рўй бериш усулига кўра» (тузилишига, рўй бериш типига қараб) рефлексга ўхшаш жараёндир. Психик ҳодиса кишига ўз еезгиларини, ғояларини, ҳис-туйғуларини кўзатиш чоғида бериладиган нарсалардангина иборат эмас. У худди рефлекс каби ташқи кўзғовчининг таъсирини ва унга жавобан ҳаракат реакциясини ҳам ўз ичига олади. Олдинги назарияларда онгимизда образлар, тасаввурлар, фикрлар

тарзида юз берадиган ҳодисаларни психологиянинг предмети деб ҳисобланарди. Сеченовнинг таъкидлашича, бу организмнинг муҳит билан ўзаро ҳаракатининг алоҳида шаклидан иборат бўлиб, яхлит психик жараёнларнинг айрим моментларидир.

И.М.Сеченов рефлекснинг мия қисмини унинг табиий бошланғич (сезги аъзоларига таъсир) ва тугалловчи манба (жавоб ҳаракати)ларидан алоҳида бир нарса, деб ҳисоблаш нотўғрилигини уқтирган эди. Психик ҳодиса яхлит рефлектор ҳаракатда юз берган ва унинг маҳсули бўлган ҳолда айни пайтда ҳали юзага келмаган натижа (таъсир ўтказиш, ҳаракат қилиш)дан дарак берувчи омил вазифасини ҳам бажаради.

Психик жараёнларнинг роли нимадан иборат? Бу организмнинг сигнал ёки бошқарув функцияси бўлиб, ҳаракатни ўзгарувчан шарт-шароитларга мослаштиради ва шу билан фойдали, мослашувчан самарага эришилишини таъминлайди. *Психик жараён, маълумки, ўзича эмас, балки миянинг моҳияти, унинг тегишли бўлмалари функцияси сифатида ташқи олам ҳақидаги ахборотнинг қаёққа кетиши, қаерда сақланиши ва қайта ишланишини кўрсатувчи жавоб фаолиятининг бошқарувчисидир.* Шундай қилиб, кишининг билимлари, теварак-атроф ҳақидаги тасавурлари, яъни индивидуал тажрибанинг бутун бойликлари рефлектор ҳаракатга киради. Психик ҳодисалар – бу миянинг ташқи (теварак-атрофдаги муҳит) ва ички (физиологик тизими сифатидаги организмнинг ҳолати) таъсирларга жавобидир. *Психик ҳодисалар - бу фаолиятнинг ҳозир таъсир этаётган (сезгилар, идрок) ёки қачонлардир, яъни ўтмиш тажрибада (хотира) юз берган кўзгатувчига жавоб тарзида рўй берадиган, ана шу таъсирни умумлаштирадиган, улар пировардида олиб келадиган натижаларни (тафаккур, ҳаёл) олдиндан кўра билишга ёрдам берадиган, бир хил таъсирлар натижасида фаолиятни (ҳис-туйғу, ирода) кучайтирадиган ё сусайтирадиган, умуман активлаштириб юборадиган ва бошқа хилдаги таъсирлар оқибатида уни тормозлантирадиган, одамлар хулқ-атворидаги (темперамент, характер ва бошқалар) тафовутларни аниқлайдиган, доимий бошқарувчиларидир.*

И. М. Сеченов психиканинг рефлекторлиги ва фаолиятнинг психик жихатдан бошқарилиши ғоясини илгари сурди. Бу муҳим назарий қоидалар *И. П. Павлов (1849-1936)* томонидан тажриба йўли билан тасдиқланди ва конкретлаштирилди. У ҳайвонларнинг, шунингдек, одамнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳаракати мия томонидан бошқарилиши қонунинтларини кашф этган эди. *Павловнинг* ушбу қонуниятларига нисбатан жами қарашлари одатда икки хил сигнал тизимси ҳақидаги таълимот деб аталади.

Нарсанинг тимсоли (кўриниши, эшитилиши, ҳид тарқатиши ва шу кабилар) ҳайвонлар учун бирон-бир шартсиз кўзгатувчи сигнал бўлиб хизмат қиладики, бу улар хатти-ҳаракати шарт-шароитли рефлекс тарзида ўзгаришига олиб келади. (Ит мисоли)

Одамнинг хатти-ҳаракатини сигнал кўзгатувчилар (мисол учун светофорнинг қизил, сариқ ва яшил чироқлари) ўзича механик тарзда бош-қармасдан, балки ўша кўзгатувчиларнинг миядаги *тимсолари – сигналлари*

бошқаради. Бу тимсолий сигналлар предметлар ҳақида сигнал юбориб, шу билан одамнинг хатти-ҳаракатини бошқариб туради.

Ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, одамда биринчи сигналлар тизимси билан бир қаторда унинг алоҳида бойлиги ва афзаллиги бўлган *иккинчи сигналлар тизимси* ҳам мавжуддир. Иккинчи сигналлар тизимсининг сигналлари талаффуз этилган, эшитилган, ўқилган сўзлар («иккинчи сигналлар»)дан иборатдир. Биринчи сигналлар тизимсининг сигналлари, тимсолий сигналлар, сўз билан хабар қилиниши ва алмаштирилиши мумкин. Сўз уларнинг ўрнини босади, умумлаштиради ва биринчи сигналлар ҳосил қиладиган барча ҳаракатларни ҳосил қилиши мумкин. Шундай қилиб, сўз - «сигналлар сигнали»дир. Сигнал қўзғатувчилар (нутқ товуши, ёзма ахборот матни) билан уларнинг миёда сўзларнинг маъноси тарзида акс эттирилишини бир-биридан фарқ қилиш зарур. Агар сўз маъноси одамга тушунарли бўлса, унинг хатти-ҳаракатларини бошқаради, теварак-атрофдаги муҳитга мувофиқлашувида ёрдам беради. Агар сўз маъноси тушунарсиз бўлса, одамга у фақат биринчи сигналлар тизимсининг сигналлари тарзида таъсир қилади ёки одам учун батамом аҳамиятсиз нарса бўлиб қолаверади.

Айтилганларнинг ҳаммаси психикани *объектив оламнинг субъектив тарзи, воқеликнинг миёдаги акси* деб ҳисоблаш имконини беради.

Психология психикани ўрганишнинг ўз конкрет илмий вазифаларига, ўзининг конкрет тадқиқот мавзусига эгадир. Психология таъсир кўрсатувчи объектлари бўлган субъектнинг ички, психик ҳолатига ташқи таъсирлар натижасида рўй берадиган ўзгаришлар жараёни қандай кечишини ўрганади. У акс этувчи нарсанинг субъектнинг фаолиятини бошқаришни, режалаштиришни, жавоб фаолиятини йўналтиришни таъминлайдиган ўша инъикосга айланиш жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган механизмларни тадқиқ қилади.

Психика *фаоллиги* билан ажралиб туради. Унинг зарур жиҳати *майлар*, энг мақбул ечимни фаол *излаш*, эҳтимолда хатти-ҳаракат вариантларини *хаёлдан ўтказишдан* иборатдир. Психик инъикос айнан ўзини акс эттирадиган, сует нарса эмас, балки у ҳаракатнинг турли вариантларини изланиш, танлаш, солиштириш билан боғлиқ бўлган шахс фаолиятининг зарур жиҳати ҳисобланади.

Хулқ-атворнинг фаол тарзда бошқарилиши *тескари алоқа* аппаратининг ишлашини тақозо этади. Тескари алоқа тушунчаси ҳозирги замон психологиясида, физиология ва кибернетикада кенг қўлланилади. Психология билан физиологияда бу ҳар бир жавоб ҳаракати ҳал қилинаётган вазифа нуқтаи-назаридан миёда баҳоланишини билдиради. Демак, организмда маълум цикл билан иш бажарувчи яхлит тизим мавжуд деб тахмин қилинади. Бу тизимда марказдан жавоб ҳаракатига буйруқ берилишининг биронта ҳам моменти тескари йўналишда (перифериядан марказга қараб) ҳаракатнинг натижаси ҳақида зудлик билан ахборот (тескари алоқа) юборилмагунча тугалланмайди. Тескари алоқа аппарати ёрдами билан организм ўз ҳаракати натижасини образ билан таққослаб кўради. Образ бу

натижага нисбатан олдинроқ пайдо бўлиб, воқеликнинг ўзига хос модели сифатида унинг юз бериши ҳақида *олдиндан* хабар беради.

Психиканинг мавжудлиги изчил ҳаракат программасини тузиш, олдинга ички планда иш бажариш (масалан, хулқ-атворнинг эҳтимолдаги вариантларини танлаш) ва шундан кейингина ҳаракат қилиш имконини беради. Биологик эволюция жараёнида киши психикаси хулқ-атвори бошқаришнинг алоҳида аппарати сифатида пайдо бўлиб, сифат жиҳатидан ўзгариб кетади. Одамлар ижтимоий ҳаёт қонунларининг таъсири остида шахслар буёлиб етишади, уларнинг ҳар бирида уларни вояга етказган тарихий шароитнинг излари сақланиб қолган бўлади. Аслини олганда *кишининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ҳам шахсий характер касб этади.*

Айтилганларнинг ҳаммаси эндиликда психология фанига юқорида берилган таърифни бир қадар конкретлаштириш имконини беради: *психология - воқеликнинг миядаги образи сифатида содир бўлувчи психик фактлари, қонуниятлари ва психика механизмлари тўғрисидаги фандир. Кишининг шахсий характерга эга бўлган хулқ-атвори ва фаолияти воқеликнинг миядаги образи асосида ва шу образ ёрдамида бошқарилади.*

Маърузанинг таянч тушунчалари:

психика, психология, билиш, психик жараёнлар, психик ҳолатлар, психик функциялар, психик ходисалар, онг, филогинез, онтогинез, рефлекс.

Мустақил иш мавзуси

1. *Психик ходисалар ҳақида олимлар қарашлари.*
2. *Рефлекс тушунчаси (Павлов таълимоти).*
3. *Психик жараёнлар.*

3-мавзу: Шахс фаолият ва муносабат жараёнида

Режа:

1. *Фаолият ҳақида тушунча*
2. *Фаолиятнинг тузилиши.*
3. *Фаолиятни ўзлаштириш.*
4. *Фаолиятнинг турлари.*
5. *Мулоқот тўғрисида тушунча ва мулоқотнинг кўпқиррали характери.*
6. *Педагогик мулоқот. Тил.*
7. *Нутқ ҳақида тушунча, унинг турлари, функциялари.*

Ҳар қандай тирик организмнинг фаоллиги эҳтиёжлар натижасида ҳосил бўлади ва ана шу эҳтиёжларни кондиритишга қаратилади. Бу қонуният инсоният оламига ҳам тегишлидир. Англинган ва англинмаган, табиий ва маданий, моддий ва маънавий, шахсий ва шахсий – ижтимоий эҳтиёжлар кишида фаолликнинг турли шакллари вужудга келтиради.

Хайвоннинг хатти-ҳаракати ҳамма вақт у ёки бу эҳтиёжни қондиришга бевосита йўналтирилган бўлади. Эҳтиёж хайвонни фаолликка мажбур қилиш билан бирга, шу фаолликнинг шаклини ҳам белгилайди. Масалан, овқатланиш эҳтиёжи /очлик/ хайвонда овқатланиш фаоллигини вужудга келтиради – сулак ажратишга, овқат излаш ёки уни пойлашга, ердан кавлаб олиш ёки ютишга олиб келади.

Инсоннинг хатти-ҳаракати эса бутунлай бошқача тузилишга эгадир.

ФАОЛИЯТ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Агар хайвонларнинг хатти-ҳаракати атрофдаги нарсаларнинг таъсири билан белгиланса, кишининг фаоллиги эса энг ёшлик чоғидан бошлаб инсониятнинг тажрибаси ва жамият талаби билан бошқарилади. Хатти-ҳаракатнинг ана шу типи алоҳида хусусиятга эга бўлиб, психологияда у фаолият деган тушунча билан ифодаланади.

Инсон фаоллигининг ўзига хос хусусиятлари нимада? Энг аввало унинг фарқ қилувчи хусусияти шуки, иш – ҳаракатнинг мазмуни бутунлай эҳтиёж билан белгиланмайди. Эҳтиёж мотив сифатида иш ҳаракатга туртки берадию, иш – ҳаракатнинг шакли ва мазмуни эса ижтимоий шароит, талаб ва тажрибалар билан белгиланади. Кишини ишлашга мажбур қилаётган мотив ундаги овқатга эҳтиёж бўлиши мумкин. Лекин киши, масалан, станокни бошқарар экан, очлигини қондириш учун эмас, унга топширилган детални тайёрлаш учун ишлайди. Унинг иш ҳаракатини мазмуни эҳтиёжлар билан эмас, балки жамият ундан талаб қилаётган бир маҳсулотни тайёрлаш мақсади билан белгиланади. Демак, фаолиятнинг биринчи фарқ қилувчи белгиси унинг киши томонидан англанданлиги ва маълум мақсадга йўналтирилганлигидир.

Иккинчидан, фаолият онг ва ирода билан бевосита боғланган бўлади. Чунки онгсиз ёки иродавий жараёнларсиз ҳеч қандай фаолиятни амалга ошириш мумкин эмас. Демак, фаолият англандан мақсад билан бошқариладиган кишининг ички /психик/ ва ташқи /жисмоний/ фаоллигидир.

Шундай қилиб, фаолият ҳақида гапириш учун аввало киши фаоллигининг мақсади қанчалик англанданлигини аниқлаш зарурдир.

Фаолият – бу борликка нисбатан фаол муносабатнинг шаклидир, у орқали инсон билан борлик ўртасида алоқа ўрнатади. Фаолият орқали киши табиатга, нарсаларга, бошқа кишиларга таъсир қилади. Ана шу ҳаракатларда киши ўзининг ички моҳиятини очиб, атрофдаги нарсаларга нисбатан субъект, одамларга нисбатан шахс ролини бажаради. У нарсаларнинг жавоб таъсирини бошдан кечириш орқали эса кишилар нарсалар, табиат ва жамиятнинг ҳақиқий, объектив, ички моҳиятини билиб олади.

Хар бир оддий ишни бажаришга қаратилган ва фаолиятнинг нисбатан тугалланган элементи иш – ҳаракат деб айтилади. Бу келтирилган мисолимиз предметли иш – ҳаракатлардир. Чунки у ташқи оламдаги у ёки бу предметнинг ҳолатини ёки хусусиятини ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Ҳар қандай предметли иш – ҳаракат бир қанча ҳаракатлардан ташкил топади.

Бирор фаолиятни бажаришдаги барча ҳаракатлар киши томонидан назорат қилиниб тузатилиб борилади. Назорат қилиш ва ҳолатларни тузатиш қобилятидан махрум бўлган касаллар хатто энг оддий иш-ҳаракатни ҳам мувоффақиятли бажара олмайди. Улар стаканни столдан олишда, оғизга олиб келишда хатоларга йўл қўядилар.

Назорат қандай йўл билан амалга оширилади? Бу сезги органлари /кўриш, эшитиш, мускул сезги ва бошқалар/ орқали амалга оширилади. Чунки ҳар бир иш – ҳаракатни бажараётганимизда барча ҳаракатларимизни кўзимиз орқали ёки эшитиш сезгимиз орқали текшириб тураемиз.

Албатта, ҳаракатни бошқариш ва назорат қилишда бош мия ҳам катта роль ўйнайди. Ҳар қандай ҳаракат ўзининг охирида оладиган натижасининг мақсадига қараб бошқарилади ва назорат қилинади. Бажарилган ҳаракатнинг натижалари унинг мақсади нуқтаи назаридан баҳоланади ва тузатилади. Ҳар қандай иш ҳаракатни бажаришдан олдин унинг модели миёда тайёр бўлади, ана шу моделга қараб у бошқарилади, олинган натижа моделга қараб баҳоланади.

Ташқи реал иш – ҳаракатдан ички ҳолатга ўтишдаги бундай жараён *ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ* /ички ҳолатга ўтиш/ дейилади. Худди шу каби ташқи предметли фаолиятни ички психик фаолиятнинг экстериоризацияси натижаси деб қарашимиз мумкин.

Малакалар бирон иш – ҳаракатнинг мустаҳкамланган ва автоматлашган йўл ва усуллари бўлиб, бу йўл ва усуллар, одатда мураккаб онгли фаолиятни бажаришда қўлланади.

Малакалар автоматлашган ҳаракатлар сифатида ўқиш жараёнида ҳам, инсон фаолиятининг барча турларида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Малакалар махсус зўр беришсиз ҳамда онгли ҳаракатларга нисбатан тез содир бўлиши туфайли, фаолиятнинг айрим турлари ва мураккаб кўникмаларнинг амалга оширилишини енгиллаштиради.

Машқ - кўникма ҳамда керакли усул ва ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш мақсадида уларни кўп марта такрорлашдир. Машқ жараёнида ҳаракатлар фақат мустаҳкамланибгина қолмай, балки ўзгаради ва аниқ, тез ҳамда пухта бажариладиган бўлади.

Машқлар жараёнида кишининг ихтиёрий диққати бутун ишга ҳам, унинг айрим томонларига ҳам қаратилган бўлади. Бунда ҳаракатларнинг тўғри бажарилаётганлиги, асосан, кўз билан назорат қилинади.

МАЛАКАЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИГА ҲОС ҚОНУНИЯТЛАР

Малакалар ҳосил бўлишига оид бир неча қонуниятлар мавжуддир. Буларнинг энг асосийлари қуйидагилар:

1. Малакалар ҳосил бўлиш жараёнидаги нотекистик. Малакалар ҳосил бўлишида ижобий ютуқлар билан бир қаторда, баъзан хато, нотўғри ҳаракатларга ҳам йўл қўйилади. Ижобий ютуқларнинг ўсиши бир текисда бўлмаслиги мумкин, яъни маълум бир даражада анча вақт тўхтаб, бирдан

кўтарилиб кетиб ва яна вақтинча пасайиши мумкин. Ҳар бир такрордан сўнг, хатолар сонининг озайиши ҳам шундай нотекис бўлади.

2. Малакаларнинг кўчиши ва тормозланиши.

Бизда малакалар сони қанчалик кўп бўлса, янгиларини ҳосил қилиш шунчалик осон бўлади. Чунки илгари ҳосил қилинган малакалар янгисини ўзлаштиришга кучли таъсир қилади. Илгари мустаҳкамланган малакаларнинг янгисини ҳосил қилишга ижобий таъсир кўрсатиши малакаларнинг кўчиши деб айтилади. Масалан, бир мусиқа асбобида чалишни билган киши бошқа мўзика асбобида чалишни анча осон ўзлаштиради ёки бир неча чет тилини билган киши навбатдагисини анча осон билиб олади.

Мустаҳкамланиб кетган малакалар янги малакалар ҳосил қилишга салбий ёки тормозланувчи таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

3. Малаканинг юксалиши ва пасайиши.

Малакалар юксалиш ва пасайиб кетиш хусусиятига ҳам эгадир. Агар малакалар такрорланиб, машқ қилиниб турмушда қўлланиб бораверса у доим юксалаверади. Бордию малакалар анча вақт такрорланмаса, улар кескин пасайиб кетиши мумкин..

Фаолият турлари:

1. Ўйин фаолияти.
2. Ўқиш фаолияти.
3. Меҳнат фаолияти

МУЛОҚОТ – одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айрибошлашни ўз ичига олади. Бундай ахборот айрибошлаш муносабатининг коммуникатив шакли сифатида таърифланади. Одамлар мулоқотга киришаётганда улар тилдан фойдаланадилар. Мулоқотнинг иккинчи жиҳати – мулоқотга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати – нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар, хатти – ҳаракатлар билан ҳам бир – бирини тушунишдан иборат.

Ниҳоят, мулоқотнинг учинчи жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир – бирларини идрок этишларида намоён бўлади. Шундай қилиб, ягона мулоқот жараёнида шартли равишда учта томонни – коммуникатив /ахборот узатиш/, ўзаро биргаликдаги ҳаракат қилишни ва ўзаро бир – бирини идрок қилишни кўрамыз.

Киши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруратга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан мулоқотга киришиши, яъни алоқа ўрнатиши, ўзаро ҳамжиҳатликка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим ва ҳоказо. Бу ўринда мулоқот фаолиятнинг бир томони, бир қисми, унинг энг муҳим информатив коммуникация сифатида намоён бўлади.

Юқорида айтганимиздек, мулоқотда биз тилдан фойдаланамиз. Тил мулоқотга киришувчилар ўртасида алоқа боғланишини таъминлайди. Негаки, тил шу мақсад учун танланган сўзлар моҳиятига кўра КОДЛАШТИРГАН

холда ахборотни бераётган киши ҳам, унинг кодини очган, яъни унинг маъносини тушунган ва шу ахборот асосида ўз хулқ – атворини ўзгартирган, бу ахборотни қабул қилаётган киши ҳам тушунади. Агар кодни тушунмаганда эди, томонлар бир – бирини тушунмас ва нотўғри хатти-харкатлар қилган бўлур эди. Масалан, қадимги Вавилондаги минора қурилиши.

Нутқ – бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида мулоқот ўрнатиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажрибада бирон – бир мазмунни англатадиган сўзлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сўзлар эшиттирилиб ёки овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки кар – соқов кишиларда маълум бир мазмунга эга бўлган имо-ишоралар воситасида алмаштирилиши мумкин.

Қуйидаги нутқ турлари фарқ қилинади: ёзма ва оғзаки нутқ. Ўз навбатида оғзаки нутқ диологик ва монологик нутқларга бўлинади. Оғзаки нутқнинг энг содда тури *ДИОЛОГ*, яъни бирор нарсани муҳокама қилаётган суҳбатдошлар нутқидир. Оғзаки нутқнинг иккинчи тури *МОНОЛОГ* нутқ бўлиб, уни бир киши бошқасига ёки уни тинглаётган кўплаб кишиларга қарата гапиради. Бунга ўқитувчининг ҳикояси, ўқувчининг кенгайтирилган жавоби, маъруза ва шу кабилар қиради.

Диалог нутқда тил қоидалрига унчалик риоя қилинмаса ҳам суҳбатдошлар бир – бирларини тушунаверади.

ЁЗМА нутқ инсоният тарихида оғзаки нутқдан анча кейин пайдо бўлган. Ёзув туфайли одамлар тўпланган тажрибаларни авлоддан авлодга тўлалигича етказиш имкони туғилди. Бордию бу тажрибалар оғзаки нутқ тарзида ўтказилганда бўзилиши, ўзгариши, хатто йўқолиб кетиши мумкин эди. Масалан, бобоколониимиз Имом ал-Бухорий томонидан «Хадис»ларни ёзма тўплашга ўтилганлиги.

Ёзма нутқ ҳам диалог ва монолог шаклларида учрайди. Нутқнинг нерв – физиологик механизмини эшитиш ва ҳаракат анализаторлари ташкил этади. Чунки ахборотни қабул қилиш ва уни бошқаларга бериш учун аввало эшитиш анализаторлари яхши ишлаши керак. Гапираётганда эса ўпка, оғиз мускуллари фаол ҳаракатга келади. Айниқса, артикуляцион аппарат яхши ишлаши керак. Бунинг фаолиятсиз бирорта ҳарф ёки сўз ҳосил бўлмайди. Нутқнинг нерв – физиологик механизмларини бош миядаги нутқ марказлари ҳам ташкил этади. Олимларнинг, айниқса, А. Р. Луриянинг тажрибалари шуни кўрсатадики, бош миядаги нутқ марказлари ишдан чиқса, нутқни тушуниш ёки нутқ сўзлаш бирданига издан чиқар экан. Биз ўзаро мулоқотда тил, нутқнинг ўзидангина фойдаланиб қолмасдан, балки қўл, бармоқ ва юз ҳаракатлари, имо-ишора, оҳанг, пауза, кулгу, кўз ёши қилиш ва шу кабилардан ҳам фойдаланамиз. Булар оғзаки коммуникация воситалари – сўзларни тўлдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса ўрнини босувчи белгилар тизимини ташкил этади.

ТАЪЛИМ – бу аввало ахборот жараёнидир. Ўқитувчи ўқувчига билимларни маълум қилади /тегишли ахборот беради/ ва ўз навбатида тесқари алоқа тарзида ундан баён қилинган билимлар қандай

Ўзлаштирилганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган ахборот олади. Бу ахборот ўқувчиларнинг диққат билан утиришларида, ўқитувчига қараб туришларида, юз ифодаларида ўз аксини топади. Агар тескари алоқа бўлмаганда эди ўқитувчи берган ахборотининг ўқувчилар томонидан қандай қабул қилинаётганини билмаган бўлур эди. Тескари алоқа ўқитувчига ўз нутқини давом эттириш ёки тўхтатиш, иш турини ўзгартириш, умуман фаолиятини корректура қилиш имконини беради. Педагог болаларга ахборот узатиш жараёнида уларга тарбиявий таъсир этиб ҳам боради, яъни ўзининг идеаллари, қарашлари, одоби, ҳаракат усуллари уларга ўтказиб ҳам боради. *Мулоқотнинг учинчи вазифаси – бу кишининг киши томонидан идрок этилиши, тушунилиши ва бажарилиши демакдир. Киши бошқа одамларни ўрганар экан, улар билан биргаликда фаолият кўрсатади, истиқболларини яхшироқ ва янада ишончлироқ аниқлаб олиш имкониятига эга бўлади. Келишиб олинган ҳаракатларнинг мувоффақияти улар ички дунёсининг аниқ ўқиб чиқилганлигидир.*

Кишиларда мулоқот маданиятини таркиб топтириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Мулоқот маданияти кишиларда тасодифан ёки мактаб таълими таъсирида шаклланади. Масалан, ўқитувчи биринчи синфданок ўқувчиларга тўғри гапиришни, саволларга кенг ва батафсил жавоб беришларини, сўраганда ўрнидан туриб гапириш лозимлигини ўргатиб боради. Болалар ёши улғайгач, масалан, катта мактаб ёшида ўқувчилар бадий адабиёт ёки махсус педагогик адабиётларни ўқиш орқали муомала маданияти ҳақида яна ҳам кенгроқ тушунчага эга бўладилар.

Лекин муомала маданиятини махсус машқ қилиш орқали ўрганишнинг зарурлиги ҳеч кимга сир эмас. Психологик тренинг, яъни муомалани машқ қилиш икки хил вазифани бажаришни назарда тутди, биринчидан муомаланинг, айниқса педагогик муомаланинг умумий қонуниятларини ўрганишни, иккинчидан, педагогик коммуникациянинг «технологиясини» эгаллаш, яъни профессионал педагогик муомала кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Психологик тренинг назарий ва амалий томонларга эга. Амалий томони ўқувчилар билан бўладиган муомала кўникмалари ва малакаларини эгаллашга ҳамда уларни чиниқтиришга қаратилган машқлар: дарснинг барча босқичларида изчиллик билан ҳаракат қилиш кўникмаларини, педагогик иш давомида мушакларнинг зўриқишини сўндириш малакаларини, ихтиёрий диққатни тақсимлаш малакасини шакллантиришга, кўзатувчанликни ўстиришга қаратилган машқларни тақозо қиладди.

Мулоқот маданиятини эгаллашни машқ қилишда магнитофон ёзувлари, видеотасвирлардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки бундай ёзувлар бўлажак ўқитувчининг ўз нутқини такомиллаштириш, овозини созлаш, гапираётганда қоматини тўғри, тик тутиш, ортикча, кераксиз ҳаракатлар, мимикалардан холи бўлиш имконини беради. Шунинг учун бўлажак педагоглар нутқ маданиятини, муомала маданиятини эгаллашда ана шунга ўхшаш машқлардан фойдаланиш керак.

Энг муҳими, киши нутқни тарбиялаш бўйича олдига аниқ мақсад қўйиши ва ана шу мақсад асосида қатъий машқлар олиб бориши лозим. Масалан, киши адабий тилда сўзлашга ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса, фақат дарс пайтидаги жавобларидагина эмас, ҳар қандай шароитда, ҳар бир киши билан бўлган мулоқотда ҳам ўзини гапларини назорат қилиб бориши, шевачиликка йўл қўймаслиги лозим. Ўз-ўзини назорат қилиш бўлмаса киши ҳеч қачон нутқ маданиятини, муомала маданиятини эгаллаш олмайди, у нотик бўла олмайди.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

ҳаракат, иш-ҳаракат, фаолият, кўникма, малака, одат, интериоризация, экстериоризация, ўйин, ўқиш, меҳнат, мулоқот, мия, нутқ, коммуникатив мулоқот, интерактив мулоқот, перцептив мулоқот, педагогик мулоқот, мулоқот тренинги, мулоқот маданияти.

Мустақил иш мавзуси:

- 1. Мулоқот маданиятини эгаллашда мусиқанинг ўрни.*
- 2. Тил мулоқот воситаси сифатида.*
- 3. Таълим жараёнидаги мулоқот.*

4-мавзу: Диққат, сезги

Режа:

- 1. Диққат ҳақида тушунча ва унинг нерв физиологик механизмлари.*
- 2. Диққат турлари.*
- 3. Диққатнинг асосий хусусиятлари.*
- 4. Диққатнинг ривожланиши.*
- 5. Сезгилар ҳақида тушунча.*
- 6. Сезгиларнинг классификацияси.*
- 7. Сезги қонуниятлари.*

ДИҚҚАТ – психик фаолиятнинг йўналтирилиши ва шахс учун аҳамиятли бўлган объект устида тўпланишдир. Йўналтирилиши деганда психик фаолиятнинг танловчилик характери, объектни ихтиёрий ёки беихтиёрий танлаш тушунилади. Ўқувчи мактабда ўқитувчининг тушунтиришларига кулоқ солаётганда, мана шу эшитиш фаолиятини онгли равишда танлаб олган, ўз диққатини этишиш фаолиятига онгли равишда қаратган бўлади. Ўқувчининг бирор бошқа нарсага чалғимасдан, ўқув материалининг мазмунига зехн қўйиб ўтиришида унинг диққатини йўналиши ифодаланади.

Психик фаолиятнинг йўналтирилиши деганда фақат ана шу фаолиятни танлаш тушунилиб қолмай, балки ана шу танлаганини сақлаб қолиш ва кўллаб – қувватлаш ҳам тушунилади.

Диққат психик фаолиятининг йўналтирилиши билан бирга унинг тўпланишини тақозо қилади. Психик фаолиятнинг бир жойга тўпланиши – мазкур фаолиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳамма бошқа нарсалардан диққатни чалғитиш демакдир. Диққатнинг бир жойга тўпланиши деганда

мазкур фаолиятга бутунлай берилиш, унга озми – кўпми чуқур эътибор бериш тушунилади.

Диққат ҳар қандай фаолиятнинг муҳим шартидир. Диққатсиз хатто энг оддий ишларни ҳам бажариш мумкин эмас. Диққат меҳнатнинг барча жараёнида, ижодий фаолиятда, ўқишда айниқса катта аҳамиятга эга. К.Д.Ушинский «Диққат рухий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгизгизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради», - деб ёзган эди.

Диққатнинг нерв – физиологик механизмини И.П Павловнинг ёзишича ориентировка рефлекси ташкил этади. Буни Павлов «бу нима» рефлекси деб ҳам атаган эди. Бундан ташқари, диққат маълум нерв марказларининг кўзғалиши ва миёдаги бошқа нерв марказларининг тормозланиши билан ҳам боғлиқдир.

И. П. Павлов томонидан кашф этилган нерв жараёнларининг индукцияси қонуни диққатининг физиологик асосларини тушуниб олиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Мана шу қонунга мувофиқ бош миё пўстининг бир жойида пайдо бўлган кўзғалиш бош миё пўстининг бошқа жойларида тормозланшни юзага келтиради. Ва аксинча, бош миё пўстининг айрим бир жойида юзага келган тормозланиш бош миё пўстининг бошқа жойларида кучли кўзғалишни пайдо бўлишига олиб келади. Айни шу пайтнинг ҳар бир оғида миё пўстида кўзғалиш учун оптимал, яъни ниҳоятда қулайлиги билан характерланувчи кучли кўзғалиш ўчоғи мавжуд бўлади.

А.А. Ухтомский томонидан илгари сурилган *ДОМИНАНТА* принципи ҳам диққатнинг физиологик асосларини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга. Шу доминантлик принципига мувофиқ миёда кўзғалишнинг ҳар доим устун турадиган ҳукмрон ўчоғи айни шу дамда миёга таъсир этиб, унда юзага келаётган ҳамма кўзғалишларни қандайдир равишда ўзига тортиб олади ва бунинг натижасида бошқа кўзғалишларга нисбатан унинг ҳукмронлиги янада ошади.

Одатда доминанта субдоминантага, субдоминанта эса доминантага ўтиб туради. Бу эса диққатнинг бир нарсдан иккинчи нарсага кўчиб туришининг нерв физиологик механизмини ташкил этади. Кўриниб турибдики, Павлов билан Ухтомский таълимотлари бир-бирига қарама-қарши эмас, балки мазмун жиҳатдан ўхшашдир.

Жиддий диққат, одатта ўзига характерли бўлган ташқи ифодалар билан боғлиқ бўлади, нарсани яхшилаб идрок қилишга қаратилган ҳаракатлар билан /тиқилиб қараш, диққат билан эшитиш/, ортиқча ҳаракатларни тўхтатиш, нафас олишни секинлаштириш, диққат учун характерли бўлган юз характерлари билан боғлиқ бўлади.

Диққат уч турли бўлади: ихтиёрсиз диққат, ихтиёрий диққат, ихтиёридан кейинги ёки мувофиқлашган диққат.

ИХТИЁРСИЗ диққат мақсадсиз, режасиз юз беради. Бундай ҳолларда фаолият мароқлилиги, қизиқарлилиги ёки кутилмаганда содир бўлишлиги билан ўзига жалб қилади. Одам ўзига таъсир қилаётган нарсаларга, ходисаларга, бажараётган фаолиятига беихтиёр берилиб кетади.

Ихтиёрий диққат деб онгимизни аниқ мақсад асосида ва идоравий куч ёрдамида керакли объектга йўналтиришга айтилади. Агар ихтиёрсиз диққатда иш бизни ўзига шунчаки жалб қилиб олса, ижтиёрий диққатда биз диққатимизни қаратиш учун ўз олдимизга онгли суратда мақсад кўямиз, қийинчиликларни енгиб, диққатни тўплаш учун курашиб ва хар қандай бошқа нарсаларга берилмаслик учун ирода кучини сарфлаб диққатимизни онгли равишда нарсага қаратамиз. Ихтиёрий диққатнинг характерли хусусияти худди мана шу мақсад кўзлашда, иродавий зўр беришда намоён бўлади.

Ихтиёрий диққат иродамизнинг намоён бўлишидир. Қандайдир бирор фаолият билан шуғулланишга қарор қилар эканмиз, диққатимизни хатто айна чоғда биз учун қизиқарли бўлмаган, лекин биз шуғулланишни лозим топган нарсаларга онгли суратда қаратамиз. Демак, ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан сифат жиҳатдан фарқ қилади.

Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатдан келиб чиққан. Одамда ихтиёрий диққат меҳнат жараёнида юзага келади. Чунки меҳнат мақсадга мувофик фаслиятдир. Мақсад кўзлаш эса ўз таркибига диққатни йўналтиришни ҳам олади. Ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари одамда ўз диққатини меҳнат фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаган нарсаларга қаратмаслик ва меҳнат жараёни билан боғлиқ нарса устида тўплаш руҳида тарбиялайди.

Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат каби одамнинг қизиқишлари билан мустаҳкам боғлиқдир. Лекин, агар ихтиёрсиз диққатда қизиқишлар бевосита бўлсалар, ихтиёрий диққатда бавосита характерга эга бўлади. Фаолиятнинг ўзи бизни қизиқтирмаслиги мумкин, аммо фаолиятни бажаришда юкланган вазифани ҳал қилиш учун зарур бўлгани туфайли ана шу мақсад нуқтаи назаридан фаолият биз учун қизиқарли бўлиб қолади.

Ихтиёрий диққатдан ташқари, диққатнинг ана бир турини қайд қилиб ўтиш лозим, бу диққат, ихтиёрий диққат каби мақсадга қартилган бўлиб, лекин доимий иродавий зўр беришни талаб қилмайди. Масалан, ўқувчи уй вазифасини бажаришга киришганда дастлаб бу ишга ўзини мажбур қилади, атайлаб диққатни иш устига тўплайди, иродавий зўр беради. Лекин ишга киришиб олгач, энди иродавий зўр бериш пасаяди, диққат ўз-ўзидан иш устига тўпланади, ўқувчи эса ишни берилиб бажара бошлайди. Ана шу пайтда ўқувчининг диққати ихтиёрий диққатдан мувофиқлашган диққатга айланади.

Диққат бир неча хусусиятга эга бўлади:

1. Диққатнинг кўлами.
2. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги.
3. Диққатнинг бўлиниши.
4. Диққатнинг кўчиши.
5. Диққатнинг тебраниши.
6. Паришонлик.

Диққатнинг барқарорлиги деганда бирор фаолият устида узоқроқ вақт ушланиб туришлигини тушунамиз. Диққатнинг барқарорлиги унинг кучи

билан чамбарчарс боғлангандир. Одатда кучли диққат ўз навбатида барқарор ҳам бўлади.

Диққат тебраниш хусусиятига ҳам эгадир. Агар жуда кучсиз, зўрға эшитиладиган овозга кулоқ соладиган бўлсак, масалан, соатнинг чиққиллашига кулоқ солсак, диққатимиз жиддий қаратилган бўлишига қарамай, бу овоз гоҳ баланд, гоҳ паст эшитилади. Бир-бирига яқин бўлган ёруғлик фарқини ажратишда ҳам худди шундай ходиса юз беради. Диққатнинг бундай тебраниш даврлари ҳисоблаб чиқилган. Маълум бўлишича, диққат тебранишнинг давомийлиги унча катта бўлмай, 1,5 секунддан 2,5 секундгача етади.

Диққатнинг бўлиниши – психик фаолиятнинг шундай ташкил қилинишики, бунда айнан бир вақтнинг ўзида диққатимиз иккита ва ундан ортиқ нарсаларга қаратилади. Диққат ҳақиқатан ҳам бўлинадими? Бу соҳада кўплаб тажрибалар ўтказилган. Натижада, айрим тадқиқотчилар диққат бўлинади десалар, бошқалари у бўлинмайди, аксинча бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез кучади деган хулосага келганлар.

Албатта, диққатнинг бўлиниши учун бажараётган ишларимиз маълум даражада автоматлашган булиши лозим. Масалан, рулга янги ўтирган шофёр тормозни босаман деб газни босиб юборади ёки машинани бошқаришга диққат қилган ҳолда йўлдаги чуқурликни кўрмай қолади.

Диққат хусусиятларидан яна бири унинг кўчишидир. Диққатнинг кўчиши деганда унинг бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга тез ўтишини тушунамиз. Масалан, талабанинг диққати маъруза тинглашдан уни ёзишга, сунг ёзганини тушунишга, яна маъруза тинглашга тез кўчиб туради. Диққатнинг кўчишини олимлар компликация деган асбоб билан ўлчайдилар.

ПАРИШОНХОТИРЛИК – бу диққатнинг керак бўлганида бошқа объектга тез кучмаслигидир. Паришонхотирлик диққатнинг салбий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Уни икки хил маънода тушиниш мумкин: бири керак бўлганида диққатнинг кўчмаслиги бўлса, иккинчиси, аксинча, унинг бир фаолият устида тўхтаб турмасдан чалғиб кетаверишидир.

Биринчи хил паришонлик кўпроқ ёзувчиларда, олимларда учрайди. Масалан, ёзувчи фикрга астойдил берилганлиги сабабли атрофидаги нарсаларни, ҳатто ёнидаги одам мурожаат қилаётганини ҳам сезмайди.

Иккинчи хил паришонхотирликда одам бирор нарса устида диққатини узоқ тўплай олмайди, бир нарсадан иккинчи нарсага, бир ходисадан иккинчи ходисага тез ўтиб туради. Бу ҳолат ёш болаларда тез учраб туради, яъни улар айтилган гапни тез унутиб қўяди. Диққатнинг салбий хусусиятларидан яна бири унинг чалғишидир. Диққатнинг чалғиши деганда унинг асосий фаолиятдан иккинчи даражали нарсаларга ўтиб кетавериши тушунилади. Масалан, синфда ўтирган ўқувчи диққатини қўлдан тушиб кетган қалам товуши ҳам, дераза орқасида эшитиляётган одам товуши ҳам чалғитиши мумкин.

Диққатнинг хусусиятларига унинг кўламини ҳам қўшиш мумкин. Диққат кўлами жиҳатдан тор ва кенг бўлиши мумкин. Буни биз тахистоскоп деган асбобда ўлчаб билишимиз мумкин.

Дикқат боланинг биринчи ёшиданоқ тараққий эта бошлайди. Дастлаб ихтиёрсиз дикқат намоён бўлади. Чунки бола рангдор нарсаларга, шакилдок овозига дикқат қилади. Ихтиёрсиз дикқатнинг ўсиши эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқдир. Лекин инсон фаолиятининг асосий қисми ихтиёрий дикқат асосида амалга оширилади. Ихтиёрий дикқат эса болада икки ёшлардан бошлаб кўрина бошлайди. Унинг шаклланишида катталарнинг роли бекиёсдир. Масалан, улар болага «буёққа қара», «гапимни эшит», «муסיқага кулоқ сол» деб гапирадилар. Катталар томонидан дикқат мана шундай йўллар билан ўсиб боради. 3-5 ёшлардан бошлаб эса дикқат боланинг ўз ташаббуси билан ўса бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларда ихтиёрий дикқатнинг ўсишида ўйин катта аҳамиятга эгадир. Чунки ўйин қоидаларини ва этапларини билиб олиш учун бола унга ихтиёрий дикқат билан разм солиб туриши лозим. Бундан ташқари, уйдаги баъзи бир ишларга қатнаштириш, ўз-ўзига хизмат қилиш кабилар ҳам ихтиёрий дикқатни ўсишига ёрдам беради.

Мактаб ёшидан бошлаб эса ихтиёрий дикқат жуда тез ўса бошлайди. Ўқиш ишида – дарсни эшитиш, китоб ўқиш, масалаларни ечишда ихтиёрий дикқат талаб қилинади. Бундан ташқари, ўқиш ихтиёрий дикқатни ўстириб қолмасдан, балки унинг кучи, барқарорлигини ўсишига ҳам ёрдам беради.

Ирода дикқатнинг барқарорлиги ва кучини сақлаб туривчи асосий фактордир. Шунинг учун дикқатга доир бу сифатларнинг кейинги тараққиёти ҳам ирода тараққиёти билан боғлиқдир.

Теварак-атрофдаги нарсалар ҳақида, товушлар ва ранглар, хидлар ва харорат, микдор ва бошқа кўплаб нарсалар тўғрисида биз сезги органлари туфайли биламиз.

Сезги – бу оддий психик жараён бўлиб, у моддий оламдаги нарса ва ходисаларнинг айрим хусусиятларини, шунингдек, моддий кўзготувчилар тегишли рецепторларга бевосита таъсир этган такдирда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатларга айтилади. Материя бизнинг сезги органларимизга таъсир қилиб сезги ҳосил қилдиради.

Сезги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва мияга етказиб беради. Мия бундай ахборотни бениҳоя катта ва туганмас окимини ҳар дақиқада қабул қилиб ва қайта ишлаб туради.

Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўллари дир. Биз модданинг ҳеч қандай шаклини, ҳаракатнинг ҳеч қандай шаклини сезгилардан бошқача йўл билан била олмаймиз. Сезги аъзолари кишига теварак-атрофдаги оламда мулжал олиш имконини беради. Агар киши барча сезги аъзоларидан махрум бўлиб қолса борми, у ўзининг атрофида нималар юз бераётганини била олмас, атрофдаги одамлар билан муносабатга кириша олмас, овқатни қидириб топа олмас, хавф-хатардан кутилиб қола олмас эди.

Сезгилар моҳиятига кўра объектив оламнинг субъектив сиймосидир. Лекин сезгиларнинг ҳосил булиши учун организм моддий кўзгатувчининг тегишли таъсирга берилиши кифоя қилмайди, балки организмнинг ўзи ҳам қандайдир иш бажариши даркор. Бу иш ё фақат ички жараёнлардан, ёки

ташқи ҳаракатлардан иборат булиши мумкин. Лекин у ҳамиша бўлиши шарт. Сезгилар муайян пайт давомида рецепторга таъсир ўтказётган кўзгатувчининг ўзига хос қувватини нерв жараёнлари қувватига айланиши жараёнида ҳосил бўлади.

Сезги нерв системасининг у ёки бу кўзгатувчидан таъсирланувчи реакциялари тарзида ҳосил бўлади ва ҳар қандай психик ходиса каби рефлектор хусусиятига эга. Кўзгатувчининг ўзига айнан ўхшайдиган анализаторга таъсири натижасида ҳосил бўладиган нерв жараёни сезгининг физиологик асоси бўлиб ҳисобланади.

Анализатор уч қисмдан таркиб топади: 1. Ташқи қувватни нерв жараёнига ўтказадиган махсус трансформатор ҳисобланган периферик бўлим (рецептор), 2. Анализаторнинг периферик бўлимини марказий анализатор билан боғлайдиган йўллари очадиган афферент (марказга интилувчи) ва эфферент (марказдан кочувчи) нервлар, 3. Анализаторнинг периферик бўлимларидан келадиган нерв сигналларининг қайта ишланиши содир бўладиган қобиқ ости ва қобиқ (миянинг ўзи билан тугайдиган) бўлимлари. Сезгининг ҳосил бўлиши рефлектор ёйи туфайли бўлади.

Акс этиш хусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар одатда уч гуруҳга ажратилади: 1. Экстериоцептив сезгилар. Буларга ташқи муҳитдаги нарсалар ва ходисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ва тана юзасини сезадиган сезгилар (кўриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, тери-туйғу) киради. 2. Тананинг ички аъзоларидаги ўзгаришларни сезадиган интериоцептив сезгилар. Бунга органик сезгилар киради. 3. Мушаклар ва пайлардаги ҳолатни сезадиган прориоцептив сезгилар. Бунга мускул-ҳаракат сезгиси киради. Улар гавдамизнинг ҳаракати ва ҳолати ҳақида ахборот беради.

Экстериоцепторлар ўз навбатида яна икки гуруҳга бўлинади: контакт ва дистант сезгилар. Контакт сезгиларга тери-туйғу ва таъм билиш сезгилари кирса, дистант сезгиларга кўриш, эшитиш, хид билиш сезгилари киради. Ҳозирги замон фани маълумотларига асосланиб сезгиларни ташқи ва ички сезгиларга бўлиш етарли эмас. Сезгиларнинг баъзи бир турларини ташқи-ички деб ҳисобласа ҳам бўлади. Уларга ҳарорат ва оғриқ, таъм билиш ва тебраниш, мушак-бўғин ва статик-ҳаракат сезгилари киради.

Сезгиларга хос бир қанча қонуниятлар мавжуддир. Аввало сезгининг ҳосил бўлишлиги учун кўзғовчи маълум кучга эга бўлиши лозим.

Кўзғовчи таъсир этиши билан сезга ҳосил булмайди, балки орадан маълум вақт ўтади. Бу вақт 0,02 секунддан 0,1 секундга тенгдир. Худди шу сингари, сезги ҳосил булгач, маълум муддат давом этади. Давом этиш муддатига қараб сезгилар қисқа ва узоқ муддатли бўлади. Сезгилар кучли ва кучсиз ҳам бўлиши ҳам мумкин. Бу кўзғовчи кучига боғлиқдир.

Сезги чегараларга ҳам эгадир. Унинг қуйи ва юқори чегараси фарқланади. Сезгирликни машқ йўли билан ёки махсус морфий модда таъсирида кучайтиришга сенсibiliзация дейилади.

Адаптация ҳам сезгига хос хусусиятдир. Адаптация деб сезги органларининг ташқи кўзғовчиларга мослашишига айтилади. Адаптациянинг уч тури фарқ қилинади:

1. Кўзғовчининг узоқ вақт таъсири натижасида сезгининг йўқолиб қолиши.
2. Кучли кўзғовчи таъсири остида сезгининг заифлашиши.
3. Кучсиз кўзғовчи таъсири остида сезгирликнинг ортиши.

Синестезия – бу икки сезгининг яхлит бир сезги бўлиб қўшилиб кетиши демакдир.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

диққат, индукция, оптимал ўчоқ, доминанта, субдоминанта, диққатнинг кўлами, диққатнинг тақсимланиши, диққат кучи, диққатнинг кўчиши, диққатнинг тебраниши, парижонлик, сезги, сезгирлик, адаптация, синестезия, анализатор, рецептор, сенсбилизация, конперсаторлик.

Мустақил иш мавзуси:

1. *Сезги ва идрокнинг нерв-физиологик механизми.*
2. *Сезгиларни классификацияси.*
3. *Сезгиларга ҳис қонуниятлари.*
4. *Диққатнинг хусусиятлари.*
5. *Ихтиёрий ва ихтиёрсиз диққат.*

5-мавзу: Идрок. Хотира

Режа:

1. *Идрок ҳақида тушунча.*
2. *Идрок турлари ва унинг индивидуал хусусиятлари.*
3. *Иллюзия ва галлюцинация.*
 1. *Хотира тўғрисида тушунча ва хотира назарияси.*
 2. *Хотира жараёнлари.*
 3. *Хотира типлари ва уларнинг индивидуал хусусиятлари.*
 4. *Хотира ва шахс фаолияти.*
 5. *Хотира ва тафаккурнинг боғлиқлиги.*
 6. *Хотиранинг ўсиши.*

Идрок деб нарса ёки ходисаларнинг инсон онгига бевосита таъсир этиши натижасида тартибга солиниб, алоҳида сезгиларни нарса ва воқеаларни яхлит бир образи тарзида бирлаштириб акс эттирилишига айтилади.

Идрок кўзғовчиларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқ қилиб нарсани бутунлигича, унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бундан идрок айрим сезгиларнинг оддий йиғиндисидан иборатдир деган хулоса келиб чиқмайди. Идрок ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳиссий билишнинг сифат жиҳатидан янги босқичидир. Идрокнинг предметлиги, яхлитлиги, маълум тартибда тузилганлиги, анланганлиги, константлиги унинг муҳим хусусиятларидир.

Идрокнинг предметлиги деганда унинг аниқ бир предметга қаратилишини тушунамиз.

Идрокнинг яхлитлиги деганда нарса ва ходисаларни яхлитлигича онгимизда акс эттиришни тушунамиз. Идрок сезги аъзоларига таъсир қилувчи нарсаларнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи сезгилардан фарқли уларок, нарсаларнинг яхлит образидир.

Идрокнинг константлиги ҳам унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Константлик туфайли биз атрофимиздаги нарсаларнинг шакли, катта кичиклиги, ранги ва шу кабиларни нисбатан ўзгармас тарзда идрок қиламиз. Масалан, театрда ўтирган одамларнинг юзларига узоқдан қарасак, улар бизга ўзгармас, ҳақиқий одамлардек кўринади, аслида кўз тўур пардасига узоқдаги нарсаларнинг акси кичик бўлиб тушади. Ёки юқори этаждан туриб пастга қарасак одамлар, машиналар жуда кичик бўлиб кўринади, лекин биз уларни ўз ҳолича идрок қиламиз.

Юқорида баён қилинганлардан маълумки, одамнинг тажрибаси, билими, ҳаёл ва тафаккурининг фаолияти, ҳиссиёт ва диққати, умуман одам психикасининг ҳамма мазмуни идрокда намоён бўлади. Бу психик ҳаётнинг идрокда акс этувчи ва идрокка таъсир кўрсатувчи мазмуни апперцепция деб аталади.

Айни бир нарса ёки ходисани айрим кишиларнинг идрок этишида кўринадиган баъзи хусусиятлар апперцепция билан белгиланган бўлади. Бу хусусиятлар одамнинг тажрибаси ва билимларига боғлиқ хусусиятлардир. Кишилар айни бир нарса ёки ходисани ёшлари, маълумоти, турмуш тажрибаси, касби, темперамент, характер, қобилият ва қизиқишларида кўринадиган шахсий хусусиятларига қараб ҳар хил идрок этадилар.

Идрок турларига қуйидагилар киради:

1. Фазони идрок қилиш.
2. Вақтни идрок қилиш.
3. Ҳаракатни идрок қилиш.

Фазони идрок қилиш тўғрисида гапирар эканмиз, биз нарсаларнинг фазодаги шакллари, катта-кичиклигини ва фазодаги ўзаро муносабатларини тушунамиз. Маълумки, фазодаги шаклларга қараб уч бурчакли, тўрт бурчакли, куб, цилиндр кабиларга ажратилади. Нрсалар катта-кичиклига қараб катта, кичик, ўртача дейилади. Фазодаги муносабатларига қараб бизга нисбатан яқин ёки узоқ, биздан ўнг томонда ёки чап томонда, юқорида ёки пастда дейилади.

Биз фазони асосан кўзимиз орқали идрок қиламиз. Уни бир кўз билан (монокуляр) ва икки кўз билан (бинокуляр) идрок қилиш мумкин.

Кўз гавхарининг, умуман, кўзнинг равшан кўриш учун уйғунлашувини аккомадация деб атаймиз.

Конвергация маълум бир нарсага қараганда иккала кўз соққасининг каншар томон баробар бурилишидир. Идрок қилинаётган нарса қанчалик яқин турса, кўз соққалари бир-бирига, яъни каншар томонга шунчалик яқин бурилади, кўриш уклари ҳам бир-бирини шунчалик яқин кесиб ўтади. Кўз

конвергенцияси айниқса масофани, йирокни, чуқурликни, энг аниқ, расо идрок қилишга имкон беради.

Фазони биз фақат кўриш орқали идрок қилмасдан балки тери-туйғу ва мускул-ҳаракат сезгилари орқали ҳам идрок қиламиз. Майдароқ нарсани шаклини, уларнинг катта-кичиклигини, ҳолатини тери сезгиси билан яъни ушлаб кўриб идрок қиламиз.

Биз идрок қилиб турган нарса ва ходисалар маълум бир вақт (замон) давомида пайдо бўлади, тараққий қилади ва ўзгариб боради. Вақтни идрок қилишни вақт «бўлақларини» соат ва хронометрик асбоблар ёрдамида ўлчаш деб тушуниш ярамайди. Киши худди бир хилда бўлган вақт бўлаги «минут, соат ёки кун» нинг объектив давомини ҳамиша бир хилда сезавермас экан. Баъзан бир соат бир дақиқадай тез ўтиб кетади ёки бир кун бир йилдек туюлади. Биз вақтни «унинг тўхтовсиз бориши, чўзилиши ва давомини» идрок қиладиган махсус бир органга эга эмасмиз. Ўтаётган вақт аввало атрофимиздаги нарса ва ходисаларнинг ўзгариб ва алмашилиб туришидан билинади. Шу сабабли вақтни идрок қилиш ҳамма сезги аъзоларимиз фаолияти билан боғланган деб айтиш мумкин.

Махсус машқ қилиб, ўтаётган вақтнинг айрим ҳиссаларини мумкин қадар аниқ белгилай билиш қобилиятини ўстириш мумкин. И.П.Павлов итларда овқатнинг келиш вақтини ҳис қиладиган шартли рефлекслар ҳосил қилган эди. Бундай рефлексни одамларда ҳосил қилиш мумкин.

Ҳаракатни идрок қилиш деб нарсаларнинг фазода ўрин алманишини идрок қилишга айтилади. Ҳаракатни идрок қилиш ҳаётини муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳаракатни идрок қилишга имкон берадиган усуллардан иккинчиси объектнинг ҳаракатига кўз билан қараб туришдир. Бунда ҳаракат қиладиган объектнинг тасвири кўз тўр пардасига нисбатан бир оз ҳаракатсиз бўлиб қолади. Бироқ биз, шундай бўлса ҳам, объектнинг ҳаракатини кўраемиз.

Эшитиш анализатори ёрдами билан ҳам ҳаракатни идрок қилиш мумкин. Бунда товуш манбаи бизга яқинлашган сари товуш баланд эшитилади. Аксинча манба узоқлашган сари товуш пасайиб эшитилади. Масалан, уйнинг ичида туриб кўчадан машина ўтаётганлигини билаемиз.

Иллюзия деб атрофдаги нарса ва ходисаларни нотўғри идрок қилишга айтилади. Буни геометрик иллюзиялар деб ном олган иллюзияларда яққол кўриш мумкин. Масалан, узунлиги баровар бўлган икки чизиқнинг бошига икки хил стрелкалар чизилса, стрелкаси ташқарига қараган чизиқ унисига нисбатан узун бўлиб кўринади.

Идрок қилиб турган шахснинг психикасида рўй берадиган ўзгаришлар билан боғлиқ тасодифий иллюзиялар ҳам бўлади. Масалан, чўлда сувсаган киши узоқда ярқираб турган шўрхоқ ерни кўл деб ўйлаши ёки ўрмондаги тунка кўрқоқ одамнинг кўзига биронта йиртқич хайвонга ўхшаб кўриниши мумкин.

Иллюзиялар хатто нутқда ҳам учрайди. Масалан, гоҳ вақтда, киши «мен бошқача тушунибман» дейди.

Галлюцинация ташқи оламда йўқ нарсаларни идрок қилишдир.

Йўқ нарсаларнинг кўзга кўриниши, йўқ овознинг эшитилиши, йўқ ҳиднинг димоққа урилиши галлюцинациядир. Галлюцинация пайтида киши гуё бир нарсани аниқ кўргандек, эшитгандек, ушлагандек, ис билгандек туюлади.

Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар мавжуд бўлади. Шу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади.

Муайян бир материални эсда олиб қолиш ҳаёт фаолияти жараёнида индивидуал тажриба орттиришга боғлиқдир. Эсда олиб қолинган нарсани кейинчалик фаолиятда қўлланиш учун уни эсга тушириш тақозо этилади. Муайян бир материалнинг фаолият доирасидан чиқиб қолиши эса унинг унутилишига олиб келади. Материални эсда сақлаш унинг шахс фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлади. Чунки ҳар бир муайян пайтда кишининг хулқ – атери унинг бутун ҳаётий тажрибаси билан белгиланади.

Хотира психологиянинг энг кўп ўрганилган бўлимларидан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин ҳозирги пайтда хотиранинг қонуниятлари янада ўрганилиши уни фаннинг тагин ҳам муҳимроқ муаммосига айлантириб кўйди.

Ҳозирги кунда хотиранинг механизмлари ва қонуниятларини ўрганиш буйича учта назария мавжуддир. Булар психологик, нейрофизиологик ҳамда биохимик назариялардир.

Психологик назария. Бу назария тарихий жиҳатдан энг эски назария бўлиб, у фанда кўп ва турли – туман назарияларнинг олға сурилганлиги билан машҳурдир. Бу назарияларни хотира жараёнларининг шаклланганида инсоннинг фаоллиги қандай роль ўйнашлиги ва бунда фаолликнинг моҳиятига қандай ёндошув зарурлиги билан баҳолаш мумкин.

Назариянинг биринчи гуруҳи ассоциатив назария деб юритилади. Бу назарияга кўра, муайян психик ҳосилалар онгда бир вақтнинг ўзида ёки бевосита бирин-кетин пайдо бўлса, у ҳолда ҳосилалар ўртасида ассоциатив боғланишлар таркиб топади ва бу боғланишларни бирон бир қисми такроран пайдо бўлиши онгда унинг барча элементлари муқаррар равишда гавдаланишига олиб келади. Ассоциациялар уч турли бўлади: ўхшашлик, ёндошлик ва қарама – қаршилиқ ассоциациялари.

Нейрофизиологик назариялар. Бу назариялар хотиранинг механизмлари ҳақидаги физиологик назариялар билан боғлиқдир. Бу назариянинг асосини И.П.Павловнинг «Олий нерв фаолияти қонуниятлари ҳақида»ги таълимотининг энг муҳим қоидалари ташкил этади. Бу таълимотга кўра хотиранинг нерв – физиологик механизмини бош миёда ҳосил бўладиган муваққат боғланишлар ташкил этади. Ана шу боғланишлар қанчалик мустаҳкам бўлса, эсда олиб қолиш ҳам шунчалик яхши бўлади. Ана шу муваққат боғланишларнинг қайтадан жонланиши эсга туширишга, сўниб, йўқ бўлиб кетиши эса унутишга сабаб бўлади.

Биохимик назария. Ҳозирги кунда хотиранинг механизмларини ўрганишнинг нейрофизиологик усули биохимик тадқиқотлар даражасига тобора яқинлашиб ва кўшилиб кетмоқда. Бу усул ушбу фанларнинг ўзаро

туташган жойида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларда ўз тасдигини топди.

Биохимик назариянинг моҳияти қуйидагидан иборат. Биринчи босқичда (қўзғовчининг бевосита таъсиридан сўнг) мия хужайраларида асл ҳолига қайтувчи физиологик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган қисқа муддатли электрохимик реакция юз беради. Иккинчи босқич биринчи босқич негизида юзага келиб, аслида у янги оксил моддаларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган биохимик реакциядан иборатдир. Биринчи босқич секундлар ёки минутлар мабойнида давом этади ва уни қисқа муддатли эсда олиб қолишнинг физиологик механизми деб ҳисоблайдилар. Хужайраларда қайтарилмайдиган ўзгаришларга олиб келадиган иккинчи босқич узок муддатли хотиранинг механизми хособланади. Бу назария тарафдорлари ташқи қўзғовчилар таъсири остида нерв хужайраларида руй берадиган ўзига хос химиявий ўзгаришларнинг изларини мустаҳкамлаш, эсда сақлаб қолиш ва яна қайта эсга тушуриш жараёнлари механизмларининг асосини ташкил этади.

ХОТИРА ТУРЛАРИ

Хотиранинг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятининг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қилади. Бунда хотира учта мезонга мувофиқ бўлинади:

1. Психик фаоллик хусусиятига кўра ҳаракат, эмоционал образли ва сўз-мантиқли турларига бўлинади.

2. Фаолият мақсадига кура ихтиёрли ва ихтиёрсиз турларга бўлинади.

3. Материалларни қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кура, қисқа муддатли, узок муддатли ва оператив хотира турларига бўлинади.

Ҳаракат хотираси – турли ҳилдаги иш-ҳаракатлар ва уларнинг системасини эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, яна қайта эсга туширишдан иборатдир.

Эмоционал хотира – ҳис-туйғуга хос хотирадир. Ҳис-туйғулар ҳамиша бизга эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимиз қандай қондирилаётгани, бизнинг теварак – атрофдаги оламга муносабатимиз қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида ҳабар бериб туради. Шунинг учун ҳам ҳиссий хотира ҳар бир кишининг ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамиятга эгадир.

Образли хотира тасаввурларни, табиат ва ҳаёт манзараларини, шунингдек, товушларни, ҳидларни, таъмларни эсда олиб қолишдан иборат хотира ҳисобланади. У кўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билишга оид хотирадир.

Сўз – мантиқ хотира бизнинг ўй-фикрларимиз мазмунини ташкил этади. Фикрлар эса нутқсиз мавжуд бўла олмайди, шунинг учун ҳам уларга оид хотира ҳам шунчаки мантиқий деб эмас, балки сўз – мантиқ хотира деб аталади.

Хотирани ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлган эдик. Бирон нарсани эсда олиб қолиш ёки эслаш учун маҳсус мақсад қўймаган ҳолда эсда олиб

қолиш ва яна қайта эсга тушириш ихтиёрсиз хотира деб аталади. Олдимизга биронта мақсад қўйиб эсда олиб қолганимизда ихтиёрий хотира бўлади.

Учинчи гуруҳ хотирага қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотиралар киради. Қисқа муддатли хотира материални кўп марталаб такрорлаш ва қайта эсга туширишлар орқали узоқ вақт эсда олиб қолиниши билан ажралиб турадиган узоқ муддатли хотирадан фарқли улароқ, бир мартагина жуда қисқа вақт мобайнида эслаб қолиш билан белгиланади.

Оператив хотира тушунчаси киши томонидан бевосита амалга оширалаётган долзарб вазифалар, ҳаракатлар, ишларга хизмат қиладиган мнемик жараёнларни англатади. Качонки биз бирон мураккаб ҳаракатни, мисол учун арифметик амални бажараётган бўлсак, у ҳолда, уни қисмларга бўлақларга ажратган ҳолда бажарамиз. Бунда ишни бажариш давомида айрим оралиқ натижаларни «ёдимизда» сақлаб борамиз.

Эсда олиб қолишни хотиранинг янги материални илгари ўзлаштирилган материал билан боғлаш орқали эсда сақлаб қолинишига олиб келадиган жараён сифатида таърифлаш мумкин. Бу шахс тажрибасини янги билимлар ва хулқ-атвор шакллари билан бойитишнинг зарур шартидир. Эсда олиб қолиш хамиша танланган бўлади. Сезги аъзоларимизга таъсир қиладиган барча нарсалар ҳам эсда олиб қолинавермайди.

Эсда олиб қолиш қисқа муддатли ва узоқ муддатли ҳамда ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Оператив эсда олиб қолиш деб аталадиган эслаб қолишни қисқа ва узоқ муддатли эслаб қолиш ўртасидаги оралиқ даражаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Оператив эсда олиб қолишни кишининг одатдаги ҳаракатларига хизмат килувчи хотира жараёни деб таърифлаш мумкин. У киши бажараётган ҳаракатнинг ҳар бир конкрет жараёнида бирон натижага эришиш шароитларидан бири сифатида юз беради.

Узоқ муддатли хотирага шахс фаолиятининг ҳаётий муҳим мақсадларига эришишда тактик жиҳатдагина эмас, балки стратегик жиҳатдан аҳамият касб этган ахборот келиб туради.

Психологияда, юқоридагилардан ташқари, ихтиёрсиз ва ихтиёрий эсда олиб қолиш фарқ қилинади.

Ихтиёрсиз эсда олиб қолиш – билиш ва амалий ҳаракатларни амалга оширишнинг махсули ва шартидир. Бунда эсда олиб қолиш ўз ҳолича бизнинг мақсадимиз сифатида юзага чиқмаганлиги сабабли беихтиёр эсимизда олиб қолинган жамики нарсалар хусусида одатда «ўзидан-ўзи эсда сақланиб қолган экан» деймиз.

Ихтиёрий эсда олиб қолиш – махсус мнемик ҳаракатлар, яъни асосий мақсади эсда олиб қолишдан иборат бўлган ҳаракатлар махсулидир. Махсус утказилган тадқиқотлар материални айнан, тула ва изчил эслаб қолиш вазифасининг аниқ қилиб қўйилиши ихтиёрий эсда олиб қолишнинг асосий шартларидан бири эканлигини кўрсатди.

Қайта эсга тушириш.

Ўтмишда идрок қилинган нарсаларнинг, ҳис-туйғу, фикр ва иш-ҳаракатларнинг онгимизда қайтадан тикланишига эсга тушуриш дейилади.

Эсга тушуришнинг нерв-физиологик асоси мия пўстида илгари ҳосил бўлган нерв боғланишларининг қайтадан қўзғалишидир.

Эсда тушуриш бир неча хил бўлади:

1. таниш.
2. эслаш.
3. бевосита эслаш.
4. орадан вақт ўтказиб эслаш.
5. ижтиёрсиз эслаш.
6. ихтиёрий эслаш.

Таниш деб илгари идрок қилган нарсаларни такрор идрок қилганда у нарсанинг эсга тушишига айтилади.

Эслаш нарсани, унинг ўзини шу пайтда идрок қилмай туриб эсга тушуришдир.

Бевосита эсга тушуриш материални ўқиб чиқиш биланок, бошқа ҳеч нарсани уйламасдан, шу пайтнинг ўзидаёқ эсга тушуришдир.

Орадан вақт утказиб эсга тушуришда бирор материал орадан бир неча кун, хатто бир неча ой ўтказиб эсга туширилади.

Бирор нарсани эсга тушуриш беихтиёр ва ихтиёрий бўлиши мумкин. *Ихтиёрсиз* эсга тушириш деганда кишининг ўз олдига мақсад қўймасдан, иродавий куч сарф этмасдан эсга туширишга айтилади.

Ихтиёрий эсга тушуриш бирор мақсад билан эсга олиниши керак бўлган материални танлаб, атайлаб ҳаракат қилиб, махсус эсга тушириш демакдир.

Эсда сақлаш ва унутиш.

Эсда сақлаш дейилганда илгари пайдо бўлган таассурот, фикр, ҳис-туйғу ва иш-ҳаракатнинг жонланиб, такрорланиб туришига мойиллик пайдо қилиши ва мустаҳкамланишини тушинамиз. Шундай мустаҳкамланишга сабаб нерв системасининг пластиклигидир.

Биз ўқиб олган материал уни эсда олиб қолган вақтда мазмунан ва шаклан қайдай бўлган бўлса, албатда айнан шундайича сақланиб туравермайди. Лекин айрим формулалар, таърифлар, кўпайтириш жадваллари, машина ва телефон номерлари миямизда айнан сақланиши ҳам мумкин.

Унутиш – илгари эсда олиб қолган нарсаларимизнинг онгимиздан қисман ёки тамоман йўқолишидир. Унутиш қисман ва бутунлай бўлса ҳам, у қачондир яна эсга тушади.

Унутушни тамоман салбий ходиса деб тушуниш ярамайди. Чунки кераксиз нарсалар унутилиб, мия бушаши ҳам лозим. Айниқса, турли ғам-ғуссалар тезда унитилмаса, кишини умр бўйи қийнаши, азоблаши мумкин.

Шунга қарамай, унутишга қарши кураш олиб бориш лозим. Бунинг учун материални тез-тез такрорлаб туриш, уни турмушга, амалий фаолиятга тадбиқ қилиб бориш, ўрганилаётган материални олдингилари билан боғлаб бориш ва бошқа усулларни қўллаш зарур.

Хотира типлари.

Ҳар кимнинг ўзига хос хотира хусусиятлари мавжуд. Хотирадаги бу фарк унинг кучида ифодаланади. Бировда хотира кучли бўлса, бошқа бировда кучсиздир.

Хотиранинг кучли ёки кучсиз булишини биз эсда қолдириш ва унутишнинг тезлик даражасига қараб белгилаймиз. Тез эсга олиб, жуда секин унутиш кучли хотиранинг белгиси бўлса, секин эсда олиб қолиб, тез унутиш кучсиз хотира белгисидир. Шунга қараб кишилардаги хотирани тўрт типга бўламиз:

Эсда қолдириш		Унитиш
Тез		Секин
Секин		Секин
Тез		Тез
Секин		Тез

Хотирани яна кўриш, эшитиш, ҳаракат деган типларга ҳам ажратиш мумкин. Лекин соф хотира кам учраб, кўпроқ аралаш хотира (кўриш-ҳаракат, кўриш-эшитиш, ҳаракат-эшитиш каби) хиллари учрайди.

Хотиранинг юқорида санаган бу типлари туғма, ўзгармайдиган нарса эмас, балки уни тарбиялаш, ўзгартириш, кучли хотира қилиш мумкин.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

идрок, константлик, апперцепция, иллюзия, галлюцинация, перцептив идрок, кўрув хотираси, хотира тасаввури, механик хотира, феноменал хотира, эсда қолдириш, эсда сақлаш, унутиш, таниш, эслаш, образли хотира, эмоционал хотира, мантиқий хотира.

Мустақил иш мавзуси:

1. *Идрок хусусиятлари.*
2. *Идрок турларини.*
3. *Хотира турлари.*
4. *Ихтиёрсиз ва ихтиёрий хотира.*

6-мавзу: Тафаккур. Ҳаёл

Режа:

1. *Тафаккур ҳақида тушунча. Тафаккур ва ҳиссий билиш.*
2. *Тафаккур операциялари.*
3. *Тафаккур шакллари.*
4. *Тафаккур турлари.*
5. *Тафаккур ва муаммоли вазият.*
6. *Ҳаёл ҳақида тушунча.*
7. *Ҳаёл турлари.*
8. *Ҳаёлнинг аналитик-синтетик фаолияти.*
9. *Ҳаёлнинг индивидуал хусусиятлари.*

ТАФАККУР ВА ҲИССИЙ БИЛИШ

Ташқи оламдаги воқеиликни сезги, идрок ва тассавур жараёнлари орқали билиш муҳим аҳамият касб этади, лекин ўрганилаётган нарса ва ходисаларни атрофлича чуқур акс эттириш учун булар ҳали етарли эмас.

Чунки уларнинг ўзаро муносабатлари, сифат ва миқдор ўзгаришлари, мураккаб ички боғланишлари, ўзаро таъсир этиш хоссаларини бевосита кўзатиш ёки ҳиссий образлар ёрдамида аниқлаш имконияти йўқ.

Мадомики шундай экан, субъектнинг билиш /англаш/ лозим бўлган объект билан ўзаро таъсирини бевосита акс эттириш йўли орқали бўлақларга ажратиш имконияти чекланганлиги сабабли ҳиссий билиш босқичидан ақлий босқичга, яъни тафаккурга ўтиш зарурати туғилади. Фикр юритиш ёрдамида атроф-мухитни чуқурроқ билиш, нарсалар, воқеалар ва ходисалар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро ички муносабатлар, боғланишларни аниқлаш проблематик тарзда намоён бўлади. Инсон олдида проблема – муаммо вужудга келмас экан, у ҳолда тафаккур жараёни ҳосил бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, инсон ўзининг билиш фаолиятида воқеиликнинг мураккаб жиҳатларини ҳиссий босқич ёрдами билан акс эттира олмай қолганда тафаккурга, фикр юритишга мурожаат қилади.

Инсоннинг билиш фаолиятида сезги, идрок, тассавур образлари билан тафаккур ўзаро узликсиз равишда бир – бирини бойитиб туради. Ана шунга биноан билиш жараёнининг ҳиссий ва ақлий босқичлари мавжуддир.

Тафаккур, сезги ва идрокдан фарқ қилиб, бир нечта хусусиятга эгадир. Унинг биринчи хусусияти воқеиликни умумлашган ҳолда акс эттиришдир.

Тафаккурнинг иккинчи муҳим хусусияти боғланишларни бевосита акс эттиришдир. Бу хусусият туфайли табиат ва жамиятдаги турли ходиса ва воқеалар уртасидаги боғланишларни тушунтириш имкониятига эга бўламиз.

Тафаккурнинг учинчи хусусияти сўз /нутқ/ орқали нарса ва ходисалар уртасидаги мураккаб муносабатларни акс эттиришдан иборатдир. Инсоннинг фикр юритиши бир ва ундан ортиқ сўзлар, тушунчалар воситасида ифодаланadi. Шунинг учун одам уйлаётганда ўз фикрини айтаётгандек, гапираётганда эса фикр юритаётгандек туйилади.

Эргаш Ғозиев ўзининг «Тафаккур психологияси» /Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1990 йил/ китобида тафаккурга қуйидагича таъриф берган. «Тафаккур атроф мухитдаги воқеиликни нутқ ёрдами билан бевосита, умумлашган ҳолда акс эттируви психик жараён, социал сабабий боғланишларни англашга, янгилик очишга ва прогноз қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир». Бизнингча, ушбу таърифда тафаккурнинг энг муҳим хусусиятлари ва функциялари санаб ўтилган.

ТАФАККУР ЖАРАЁНЛАРИ

Тафаккур қуйидаги жараёнларда юз беради.

1. Анализ ва синтез.
2. Такқослаш.
3. Абстракциялаш.
4. Умумлаштириш.
5. Конкретлаштириш.
6. Классификациялаш.
7. Системалаштириш.

АНАЛИЗ – шундай бир тафаккур жараёниги, унинг ёрдами билан биз нарса ва ходисаларни фикран ёки амалий равишда бўлиб /ажратиб/, уларнинг айрим қисмлари ва хусусиятларини таҳлил қиламиз.

СИНТЕЗ – шундай бир тафаккур жараёнидирки, биз нарса ва ходисаларнинг анализда булинган айрим қисмлари, бўлақларини синтез ёрдами билан фикран ёки амалий равишда бирлаштириб, бутун ҳолга келтирамыз.

Анализ ва синтез ўзаро бевосита мустаҳкам боғланган ягона жараённинг икки томонидир. Агар нарса ва ходисалар анализ қилинмаган бўлса, уни синтез қилиб бўлмайди, ҳар қандай анализ предметларни, нарсаларни бир бутун ҳолда билиш асосида амалга оширилиши лозим.

ТАҚҚОСЛАШ – шундай бир тафаккур жараёниги, бу жараён воситаси билан объектив дунёдаги нарса ва ходисаларнинг бир – бирига ўхшашлиги ёки бир – биридан фарқи аниқланади.

Абстракциялаш шундай бир тафаккур жараёниги, бу жараён ёрдами билан моддий дунёдаги нарса ва ходисаларнинг муҳим хусусиятларини фарқлаб олиб, ана шу хусусиятлардан нарса ва ходисаларнинг муҳим бўлмаган иккинчи даражали хусусиятларини фикран ажратиб ташлаймиз.

УМУМЛАШТИРИШ деганда психологияда нарса ва ходисалардаги хосса, белги, хусусият, аломатларни топиш ва шу умумийлик асосида уларни бирлаштириш тушунилади.

Умумий, мавхум белги ва хусусиятларни яққа, ёлғиз объектларга тадбиқ қилиш конкретлаштириш дейилади. Бундан ташқари, мавхум тушунчаларни конкрет предметларга боғлаш ҳам конкретлаштириш бўлиб ҳисобланади.

Фанда нарса ва ходисаларнинг табиатини ифодаловчи муайян белги асосида қилинган фикр юритишни *КЛАССИФИКАЦИЯ* деб аташ қабул қилинган.

Классификация қилишнинг якуни системалаштириш бўлиб ҳисобланади. Системалаштиришга кутубхонадаги китобларнинг жойланиши мисол бўла олади. Масалан, кутубхонада педагогикага оид адабиётлар бир томонда, психологияга оидлари яна бир томонда жойлашган бўлади. Системалаштириш инсон ишини осонлаштиради. Натижада киши нимани қаердан излашни билади. Турмушда ҳар қадамда системалаштиришни кўришимиз мумкин.

ТАФАККУР ШАКЛЛАРИ

Тафаккур шакллариға ҳукм, тушунча ва ҳулоса чиқариш қиради. Нарса ва ходисаларнинг белги ва хусусиятлари ҳақида тасдиқлаб ёки инкор қилиб айтилган фикр ХУКМ деб айтилади. Масалан, баҳорда дарахтлар барг ёзади.

Борликдаги нарсалар, ходисалар ва воқеликнинг микдорига, уларнинг бирор ҳукмда акс этиши ва алоқа ҳамда муносабатларига қараб улар қуйидаги турларға бўлинади:

1. Тасдиқловчи ёки инкор қилувчи ҳукм.
2. Яққа, жузъий ва умумий ҳукм.
3. Шартли, айирувчи ва қатъий ҳукм.

4. Тахминий ҳукм.

Нарса билан белгининг алоқаси акс этган ҳукм *ТАСДИҚЛОВЧИ* ҳукм дейилади. Масалан, Алишер Навоий буюк ўзбек шоири, мутафаккири. Нарса билан белги ўртасидаги боғланиш йўқлигини ифодаловчи ҳукм *ИНКОР* ҳукм деб аталади. Масалан, Ўзбекистонда пахта экилмайди. Самаркандда олий мактаблар йўқ каби.

Якка нарса ҳақидаги ҳукм *ЯККА* ҳукм дейилади. Масалан, Тошкент – Ўзбекистоннинг пойтахти. Агар ҳукмимиз бир гуруҳ нарсаларнинг баъзиларига таалукли бўлса уни *ЖУЗЪИЙ* ҳукм дейилади. Масалан, бугун баъзи талабалар дарсга кеч қолдилар. Бордию бизнинг ҳукмимиз бир гуруҳ нарсаларнинг барчасига таалукли бўлса *УМУМИЙ* ҳукм дейилади. Масалан, Ўзбекистон фуқаролари тинчлик учун курашмоқдалар.

Хулоса чиқариш деб бир неча ҳукмлардан алоҳида ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Барча сайёралар ҳаракат қилади. Ер – сайёра. Демак, Ер ҳам ҳаракат қилади.

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ уч турли бўлади: индуктив, дедуктив ва аналогик. *ИНДУКТИВ* хулоса чиқариш деб бир неча якка ҳукмлардан умумий ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Темир электр токини ўтказди. Мис электр токини ўтказди. Қўрғошин электр токини ўтказди. Булар металллардир. Демак, металллар электр токини ўтказди.

ДЕДУКТИВ хулоса чиқариш деб умумий ҳукмдан якка ёки жузъий ҳукм келтириб чиқаришга айтилади. Масалан, Дарахтлар баҳорда гуллайди. Ўрик – дарахт. Демак, ўрик баҳорда гуллайди.

АНАЛОГИК хулоса чиқариш деб предметнинг ўхшаш белгиларига қараб хулоса чиқаришга айтилади.

ТУШУНЧА нарса ва ходисаларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир. Уй, кўприк, коинот, дарахт кабилар тушунчалардир. Тушунчалар одатда конкрет ва абстракт бўлади. Конкрет тушунчаларга *парта, доска, шкаф, мель, дераза* кабилар кирса, абстракт тушунчаларга эса *муҳаббат, бахт, гўзаллик, узунлик, баландлик, кенглик, ҳаракат* кабилар киради.

Тушунчалар кўлами жиҳатдан уч турга бўлинади: якка тушунчалар, умумий тушунчалар ва тўпланма тушунчалар.

ЯККА тушунча деб якка предмет ёки ходиса ҳақидаги тушунчага айтилади. Масалан, Алишер Навоий, Қўқон, Сирдарё, Собир Рахимов кабилар. *УМУМИЙ* тушунча деб бир жинсда бўлган нарса ва ходисалар тўуплами ҳақида яхлит фикр юритишга айтилади. Масалан, китоб, мактаб, студент, ўспирин, юлдуз ва бошқалар.

ТўПЛАНМА тушунча деб бир хил нарсаларнинг тўпلاميга айтилади. Масалан, кутубхона, пахтазор, йиғилиш кабилар.

Фикр юритишида тушунча билан сўз ўзаро боғланган ҳолда намоён бўлади. Бир томондан, сўз ёрдамсиз тушунча вужудга келмайди, иккинчи томондан сўз тушунчанинг моддий асоси ва функциясини бажаради. Тушунчалар бир ёки ундан ортиқ сўзлардан ҳосил бўлиши мумкин.

ТАФАККУР СИФАТЛАРИ

Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари, яъни сифатлари деганда унинг мазмундорлиги, мустақиллиги, эпчиллиги, самарадорлиги, кенглиги, тезлиги, чуқурлиги кабиларни тушунамиз.

ТАФАККУР ТУРЛАРИ

Тафаккур қуйидаги турларга бўлинади:

1. Кўргазмали – ҳаракат тафаккур.
2. Кўургазмали – образли тафаккур.
3. Ихтиёрсиз ва ихтиёрий тафаккур.
4. Конкрет ва абстракт тафаккур.
5. Ижодий тафаккур.

Инсон томонидан бевосита идрок қилинаётган предметлар эмас, балки тасаввур қилинаётган образлар ҳақида фикр юритиш **КЎРГАЗМАЛИ – ОБРАЗЛИ** тафаккур дейилади.

Боғча ёшидаги болалар илмий тушунчаларга эга бўлмаганлиги учун билиш фаолиятида асосан кўргазмали – образларга суяниб фикр юритадилар, мулоҳаза билдирадилар, ҳукм чиқарадилар.

ИХТИЁРСИЗ тафаккур деб мантикий тафаккур ёрдамида кўп вақтлар давомида ҳал қилинмаган ақлий вазифаларнинг тусатдан, қутилмаганда ҳал қилиниб қолиши жараёнига айтилади.

ИХТИЁРИЙ тафаккур жараёни мулоҳаза, муҳокама, исботлаш, гипотеза қилиш каби шаклларда камоён бўлади. Математика, физика, химия, психология ва бошқа фанлардаги муаммо ва масалаларни ечиш жараёнлари бунга ёрқин мисол бўла олади.

АБСТРАКТ тафаккур нарсаларнинг моҳиятини акс эттирувчи ва сўзларда ифодаловчи тушунчаларга таяниб фикр юритишдир.

Фикр юритилиши лозим бўлган нарса ва ходисаларни идрок ва тасаввур қилиш мумкин бўлса, бундай тафаккур **КОНКРЕТ** тафаккур дейилади.

Назарий тафаккур деб ходисаларни изоҳлашга фараз қилишга қаратилган тафаккур турига айтилади.

Воқеликни ўзгартириш воситаси билан реал нарса ва ходисаларни яратишга йўналтирилган фикр юритиш амалий тафаккур дейилади. Амалий тафаккур «Қандай қилиб?», «Қайси йўл билан?» каби саволларга жавоб бериш жараёнидир.

ИЖОДИЙ тафаккур мураккаб билиш фаолиятдан бири бўлиб тадрижий равишда, изчил ўзаро боғланган жараёнлардан ташкил топади: даставвал саволлар тугилади, вазифа аниқланади, масала ечиш учун саволларга жавоб қидирилади. Ижодий тафаккурнинг навбатдаги компонентлари қуйидагича акс эттирилади: қўйилган саволларга жавоб излаш, масалани ечишга ёрдам берадиган йўллар, усуллар, воситалар, қоидалар ва кўникмаларни қидириш, уларни танлаш ва фаолиятга тадбиқ қилиш ва бошқалар.

ТАФАККУР ВА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ

Тафаккур муаммодан, саволдан, таажубланиш, хайратга тушиш ёки зиддиятдан келиб чиқади. Мазкур муаммоли вазият шахсни фикр юритишга тортади, унинг фаолиятини ноаниқ муаммони ҳал қилишга ундайди.

Муаммоли вазият ўз ичига қўйидаги муҳим томонларни камраб олиши мумкин, биринчидан, муаммонинг қўйилишини инсон тушуниб этиши, иккинчидан, муаммони ҳал қилишга ёрдам берувчи восита, усул, йўл, ақлий ҳаракатларни инсоннинг ўзи излаб топиши ва уларни маълум системага солиши, учинчидан, инсон муаммони ҳал қилиш учун сараланган усулларни аввалги усуллардан ажратиш, яъни уларнинг салбий томонларини олиб ташлаб, қолганларидан ўз ўрнида ва тўғри фойдаланиши, тўртинчидан, инсон муаммо ечимининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши учун танқидий нуқтаи назардан текшириб чиқиши кабилар.

Муаммо ҳал қилингандан кейин уни танқидий назардан текшириб чиқиш ва тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш фаолияти ҳам ижобий характер касб этади. Шундай қилиб, бир талай амаллардан фойдаланиш туфайли муаммо ҳал қилинади: қўйилган муаммони бўлақларга ажратиб анализ қилиш, муаммони яхлит ҳолда тушунтириб бериш, муаммони ҳал этиш учун воситалар қидириш, топган воситаларни қўллаш, муаммони танқидий текшириб чиқиш, шунингдек, муаммо ечими тўғрисида мантикий хулосага келиш кабилар.

Ҳаёл тафаккур сингари юксак даражада ривожланган билиш жараёнлари жумласидан бўлиб, у инсонларгагина хос жараёндир. Ҳаёл инсон фаолиятининг турли соҳаларида муҳим роль ўйнайди. Чунки меҳнатнинг натижасини аниқ тасаввур қилмасдан туриб киши ишга киришмайди. Меҳнатнинг бўлажак натижасини ҳаёл ёрдамида олдиндан кўра билиш эса инсон фаолиятининг ҳайвонлар инстинктив ҳаракатларидан туб фарқи бўлиб ҳисобланади. Хар қандай меҳнат жараёнида ҳаёл фаол иштирок этади. Ҳаёл айниқса бадиий, илмий, адабий, техник, конструкторлик фаолиятлари, умуман ижодий фаолиятнинг энг муҳим томони бўлиб ҳисобланади.

Ҳаёлнинг психик жараён сифатидаги биринчи ва асосий вазифаси меҳнатнинг бўлажак натижасини (масалан, столни тайёр ҳолатда) олдиндан кўра билиш билан бирга, унинг оралиқ маҳсулотларини (стулга керакли барча деталларни бирин-кетин яшаш) ҳам олдиндан аниқ тасаввур қила олишдан иборатдир. Бундан ташқари, ҳаёлнинг вазифаси ўзимиз бевосита кўрмаган, идрок қилмаган нарса ва ходисаларнинг образларини миямизда гавдалантиришдан ҳам иборатдир.

Ҳаёл деб биз илгари идрок қилмаган, тажрибамизда учратмаган нарса ва ходисаларнинг образларини мавжуд хотира тасаввурлари асосида миямизда яратишда ифодаланадиган фаолиятга айтилади. Турмушнинг муайян бир шароити, одамнинг билиш, амалий, ахлокий, эстетик ва бошқа эҳтиёжлари ҳаёл жараёнига сабаб бўлади. Маълумки, кишилар ўтмишда табиат бераётганига қаноат қилмай, уни ўзгартириш, қайта куриш ва ундан кўпроқ нарсаларни ундириб олиш учун ҳаёл сурганлар. Натижада ҳаёлларида янги-янги меҳнат қуроллари образларини яратганлар, бу образлар асосида

эса ўша қуролнинг ўзини ясаганлар. Демак, дастлаб ҳаёл образлари табиатни ўзгартиршга эҳтиёж сезиш туфайли кишиларда пайдо бўлган.

Тафаккур ўхшаб ҳаёл ҳам муаммоли вазият, яъни эҳтиёжларни қондириш учун янги-янги усуллар қидириш жараёнида вужудга келади. Бошқача айтганда, эҳтиёжни қондириш учун эҳтиёж сезаётган нарсани аниқ, равшан тасаввур қилиш лозим бўлади. Ҳаёл жараёни орқали борлиқни акс эттириш аниқ образлар шаклида, аниқ тасаввурлар шаклида бўлса, тафаккур жараёни орқали акс эттириш тушунчалар орқали бўлади. Кўпинча бирор эҳтиёжни қондириш учун қилинаётган фаолият жараёнида ҳаёл ва тафаккур баровар иштирок этади, яъни ҳар бир ҳаракат фикр юритиш орқали амалга оширилиши билан бирга, ҳаракат усуллари яққол тасаввур қилиб ҳам турилади.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳал қилиниши лозим бўлган нарса қанчалик ноаниқ, норавшан бўлса, ҳаёлнинг роли шунча ортади ёки аксинча. Ҳаёлнинг яна қимматли томони шундаки, етарли билимга эга бўлмасдан туриб ҳам муаммоли вазият пайтларида қарор қабул қилиши ва уни бажаришга йўл топиши мумкин. Тафаккурда эса чуқур билимсиз муаммоли масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Одатда турли соҳаларга оид ахборотларнинг етарли бўлмагани кишини ҳаёл суришга олиб келади. Агар у ҳамма нарсани билганда эди ҳаёл сурмас, фаол равишда ҳаёл образлари яратмас эди. Бизни ўраб олган оламда ўрганилмаган нарсалар қанчалик кўп булар экан, ҳаёл шунчалик инсон учун фойдали бўлиб қолаверади.

Ҳ а ё л т у р л а р и

Ҳаёл яратган образларининг мазмуни жиҳатдан тасаввур ҳаёл ва ижодий ҳаёлга булинади.

Тасаввур ҳаёл деб ҳозир ёки ўтмишда бўлган бўлсада, лекин ҳали бизнинг тажрибамизда учрамаган ва биз идрок қилмаган нарса ва ходисалар тўғрисида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган ҳаёл турига айтилади.

Ўқувчилар билимларни ўзлаштиришда тасаввур ҳаёл образларидан кенг фойдаланадилар. Чунки ўқитувчининг тарих, география, адабиёт материалларини гапириб, тасвирлаб бериши асосида ўқувчилар у нарсаларнинг образларини кўз олдларига келтирадилар ва ўзлаштирадилар.

Ижодий ҳаёл деб бизнинг тажрибамизда бўлмаган ва воқеликнинг ўзида ҳам учрамаган нарса ва ходисалар ҳақида тасаввур ва образлар яратишдан иборат бўлган ҳаёл турига айтилади. Ижодий ҳаёл туфайли санъат, адабиёт, техника соҳаларида янгиликлар яратилади. Чунки ижодий ҳаёл образлари тамоман янги, оригинал образлар бўлади.

Ижодий ҳаёлнинг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало яратилаётган образ ҳақиқатда йўқ, бирон янги образ бўлади. Сўнгра жамиятнинг ёки шу кишининг эҳтиёжлари шу образнинг яратилишига кишини рағбатлантиради. Ижодий ҳаёл сўзларда ва моддий нарсаларда гавдалантирилади. Орзу ва ширин ҳаёл суришлар ижодий ҳаёлнинг алоҳида турларидир.

Орзу ижодий ҳаёлнинг келажакка қаратилган фаолиятидир. Демак, у орқали истиқбол образлари яратилади.

Ҳаёл ўзининг пайдо булишига кўра ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади.

Ихтиёрсиз ҳаёлда олдиндан белгиланган мақсад бўлмайди, унда ирода фаол иштирок этмайди, образлар ўз-ўзидан пайдо бўлади.

Ихтиёрсиз ҳаёл аввало шу пайтда қондирилмаган эҳтиёж туфайли ҳосил бўлади. Масалан, киши чўлу-биёбонда кетаётиб қаттиқ чанқаса, унинг кўз олдига водапровод, булоқ, ариқ сувларининг образи келаверади.

Ширин ҳаёл суриш ва орзу ҳам ихтиёрсиз вужудга келади. Кечаси ухлаб ётгандаги туш кўриш туфайли хилма-хил образларнинг кўз олдимизга келиши ҳам ихтиёрсиз ҳаёл материалларидир.

Ихтиёрий ҳаёл суришда киши олдига қўйган мақсади асосида ҳаёл суриб, атайлаб образлар яратади. Масалан, ёзувчининг янги асар яратишида сурган ҳаёллари ихтиёрий ҳаёлдир. Умуман олганда, санъат асарларининг барчаси ихтиёрий ҳаёл натижасидир.

Ихтиёрий ҳаёл бировларнинг турткиси, топшириги билан ҳам вужудга келиши мумкин.

Ҳаёл тасаввурлари хотира тасаввурларига асосланган ҳолдагина пайдо бўлади. Масалан, биз шу ерда сувлар, музлар, совуқларни кўрмаганимизда, улар ҳақида тасаввурга эга бўлмаганимизда эди, шимолий муз океанини ҳам кўз олдимизга келтира олмаган бўлар эдик.

Лекин ҳаёл тасаввурлари хотира тасаввурларининг кўз олдимизда гавдаланишидангина иборат эмас, балки хотира тасаввурлари қайта ишланиб, мутлақо янги тасаввурлар вужудга келади.

Ҳаёлнинг синтез қилувчи фаолиятининг оддий шакли агглютинациядир. Агглютинация айрим элементларни ёки бир неча буюмларнинг қисмларини битта образ қилиб қўшиш ва шуларнинг комбинациясидир.

Хотира тасаввурларини қайта ишлаб ҳаёл образлари яратишда нарсаларни катталаштириш ёки кичрайтириш жараёнлари вужудга келади. Масалан, эртақларда айрим кишилар ҳаёл образлари туфайли бўйи теракдай, қорни бучкадай, белига қирқ газ арқон етмайдиган қилиб тасвирланади.

Ҳаёл натижасида буюмнинг фақат бир қисмини катталаштириш ёки кичрайтириш акцентировка деб айтилади. Бу кўпроқ карикатура асарларида учрайди.

Тип – индивидуал образдир, аммо бу образда бутун бир гуруҳ, синф, миллат кишиларининг энг характерли белгилари бирга қўшилиб яхлит акс эттирилади.

Ҳаёлнинг яна бир характерли хусусияти шундаки, у узоқ-узоқларга парвоз қила олади. Ҳаёл образлари орқали биз узоқ ўтмишга назар ташлаб, тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни кўз олдимизга келтиришимиз ёки келажакка назар ташлаб, ўз бахтли келажакимизнинг образлари ва идеалларини яратишимиз мумкин.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси нутқимиз ва тафаккуримиз билан бирга бўлади. Шунинг учун ҳаёл жараёнларида нутқ ва тафаккур катта роль ўйнайди.

Ҳаёл образларининг вужудга келиши – бу инсон мияси фаолиятининг натижасидир. Ҳаёл ва бошқа барча психик жараёнлар катта ярим шарлар пўстининг фаолиятидир.

Ҳаёл кенглиги, мазмундорлиги, кучи ва реаллиги жиҳатдан кишиларда фарқ қилади. Ҳаёлнинг кенглиги воқеликнинг кишилар ҳаёл фаолияти учун объект бўладиган соҳалари доираси билан белгиланади. Алишер Навоий, Ҳамза Хақимзоданинг ҳаёли ана шундай кенг ҳаёлга мисолдир. Масалан, Ҳамза адабиётнинг турли соҳаларида унумли ижод қила олган. Чўпон ҳаёти, пахтакорлар, боғбонлар, ишчилар ҳаётидан асарлар ёзадиган ёзувчиларни ҳам кенг ҳаёлли деб айтишимиз мумкин.

Ҳаёлнинг мазмундорлиги бирор объектга нисбатан ҳаёлда туғилаётган тасаввурларнинг бойлиги, хилма-хиллиги ва маънодорлиги билан белгиланади. Ҳаёлнинг кенглиги кўпинча мазмундорлик билан боғлиқ бўлиб, кенг ҳаёл мазмундор ҳам бўлади.

Ҳаёл кучли ва кучсиз бўлади. Унинг кучи идрок образларига қанчалик яқин туришига қараб белгиланади.

Ҳаёл кучи ҳиссиётга боғлиқ бўлади. Кишининг ҳиссиёти қанчалик кучли, эхтиросли бўлса, ҳаёл образлари ҳам шунчалик кучли, ёрқин ва жонли бўлади.

Ҳаёл образлари кишининг умумий ҳолатига ҳам боғлиқ. Киши касал вақтида ҳаёл образлари кучлироқ, жонлироқ бўлади. Натижада галлюцинация юз беради. Галлюцинация аслида кучли ҳаёл образларидир.

Воқеликни тўғри акс эттирадиган ҳаёл реал ҳаёлдир, нотўғри акс эттирадиган ҳаёл хом ҳаёлдир.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида: ўйинда, ўқишда, меҳнатда, фан ва ижодиётда ҳаёлнинг аҳамияти каттадир. Болаликдаги уйинлар – асосан, болалар фантазиясининг намоён бўлишидир. Болаларнинг ижодий ўйинларида уларнинг организми камол топади ва мустаҳкамланади, ақли, иродаси, маънавий ва эстетик ҳислари ўсади.

Ҳаёлнинг бўлиши инсоннинг ҳар қандай ишни ижодий бажаришга ёки бу ишга ижодкорлик элементларини киритишга имкон беради. Акс ҳолда меҳнатнинг ҳар бир тури илгари ўрганиб олинган усуллар ва ҳаракатларни шунчаки такрорлаш йўли билангина бажарилиши мумкин.

Илмий тадқиқотларда ҳам ҳаёл катта роль ўйнайди. Чунки турли илмий гипотезалар ҳаёл туфайли яратилади. Ҳаёл бўлмаганда эди кишлоқ хўжалигида новаторлик, техникада ихтирочилик ва санъатда янгиликлар яратиш мумкин бўлмаган бўлур эди. Албатта, реал ва ижодий ҳаёлгина инсон фаолиятида ана шундай ижобий роль ўйнайди.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

тафаккур, ижодий тафаккур, амалий тафаккур, мантиқий тафаккур, индукция, дедукция, ҳукм, тушунча, хулоса чиқариш, тафаккур сифатлари, ҳаёл, тасаввур ҳаёл, ҳаёлнинг реаллиги, галлюцинация, гиперболизация,

типиклаштириш, акцентировка, орзу, схемалаштириш, қийёслаш, аналитик, синтетик.

Мустақил иш мавзуси:

- 1. Ҳаёлнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини.*
- 2. Ҳаёл турлари.*
- 3. Ҳаёл образларининг ҳосил булиш йўллари.*
- 4. Ҳаёлнинг индивидуал фарқлари.*

7-мавзу: Ҳиссиёт. Ирода

Режа:

- 1. Ҳис-туйғу тушунчаси.*
- 2. Ҳис-туйғулар ва кишининг эҳтиёжлари.*
- 3. Ҳис-туйғуларнинг физиологик асослари.*
- 4. Эмоциялар.*
- 5. Аффектлар.*
- 6. Кайфиятлар.*
- 7. Кучли ҳаяжон (стресс).*
- 8. Иродавий ҳаракатлар, ирода акти ва унинг тuzилиши.*
- 9. Шахснинг иродавий тuzилиши.*
- 10. Ирода сифатлари ва уни тарбиялаш.*

Ирода инсонгагина хос муҳим хусусият бўлиб, у шахснинг турли-туман фаолиятларида намоён бўлади. Ирода инсон фаоллигининг муҳим томонини ташкил этади.

Одам теvarак-атрофдаги оламни ўз сезги, идроклари ёрдамида билиб, ўрганибгина қолмай, уни ўз эҳтиёжлари, заруриятларига мослаб ўзгартиради ҳам. У ўз ақл-идроки ёрдамида зарур натижани қўлга киритиш учун қачон, қаерда ва қандай куч-ғайрат сарф этиш зарурлиги, иш фаолиятини қандай ташкил этиш кераклигини белгилайди. Кўп ҳолларда мураккаб хатти-ҳаракатлар натижасидагина тегишли ютуқ қўлга киритилади. Бундай ҳаракат давомида объектив ва субъектив қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади.

Куч-ғайратни вужудга келтириш, қанча вақт куч-ғайрат зарур бўлса, уни ўшанча вақт сақлаб туриш учун кишига ирода керак. Ирода киши онгининг шундай бир соҳасики, бу орқали одам ўз ишига фаол киришади ва уни мувофиқлаштириб боради. Ирода туфайли киши ўз шахсий ташаббуси билан, онгли заруратдан келиб чиққан ҳолда, олдиндан режага солинган йўналишда ва олдиндан назарда тутилган куч-ғайрат билан тегишли иш ҳаракатларни бажариши мумкин. Бундан ташқари, одам ўз психик фаолиятини тегишли равишда уюштириш ҳамда уни муайян бир мазмунга йўналтириши ҳам мумкин.

Одам ўзидаги эмоционал ҳолатни сиртига чиқармасликка, ташқи томондан билинтирмасликка ҳаракат қилиши, гоҳо ташқи томондан мутлақо

бунинг акси бўлган ҳолатларни ифода этиши ҳам мумкин. Хуллас, ирода, бир томондан, одам хатти-ҳаракатини йўналишга солади ёки уни бирор ҳаракатдан сақлаб қолади, иккинчи томондан, мавжуд вазифа ва талаблардан келиб чиққан ҳолда кишининг психик фаолиятини уюштиради.

ШАХС ВА ИРОДАВИЙ ҲАРАКАТЛАР

Одамнинг иродавий ҳаракатлари ўз олдига қўйган мақсадларини, турли-туман юмушларини шунчаки бажаришдангина иборат эмас. Балки иродавий ҳаракат ўзига хос хусусиятга эгадир. Бунинг маъноси шуки, одам ўз олдида турган ва унинг учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган мақсадларга ўзи учун унчалик аҳамиятли бўлмаган бошқа хатти-ҳаракат мотивларини бўйсундиради.

Ирода кишининг ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда бошқаришни, бир қатор интилиш ва истакларни тийиб туришни тақозо этади. Иродавий ҳаракат шундан иборатки, бундан одам ўзини-ўзи идора қилади, ўзини-ўзи қўлга олади, ўз ҳис-туйғуларини назорат қилиб туради ва керак бўлиб қолган пайтларда уларни боса олади. Ироданинг намоён бўлиши иш-ҳаракатларда онгнинг иштирок қилиши билан боғлиқ бўлган шахс фаоллигидир.

Иродавий фаолият шахс томонидан кенг миқёсда англаган ва психик жараёнларни амалга ошириш характери жиҳатидан иродавий зўр беришни талаб қиладиган бир қатор ишларни тақозо қилади.

Кўпинча иродавий фаолият одамнинг ҳаёт йўлини аниқлайдиган, унинг ижтимоий қиёфасини кўрсатадиган қарорларга келиш билан боғлиқ бўлади. Бунда бурч ҳисси, Ватан ва халқ олдидаги бурчини аниқ англаш намоён бўлади. Буларга мисол қилиб Улуғ Ватан уруши давридаги кишиларимизнинг қаҳрамонликларини кўрсатишимиз мумкин.

ИРОДАВИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ НЕРВ-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Иродавий фаолият турли-туман ҳаракатлар натижасида амалга оширилади. Ҳаракатлар эса суяк-мускул системасининг фаолияти туфайли вужудга келади. Маълумки, инсонда турли ҳаракатларни вужудга келтирадиган 600 дан ортиқ катта ва кичик мускуллар мавжуддир. Бу мускулларнинг ҳаракати алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки уларнинг биргаликдаги фаолияти туфайли ҳосил бўлади. Инсоннинг исталган бир ҳаракатида бир гуруҳ мускуллар албатта иштирок этади. Бош мия ярим шарларида ҳаракатларни бошқарувчи махсус участка бор. Бу ердан танамизнинг барча қисмларига нерв толалари кетган бўлади. Бу марказ тескари алоқа усулида ишлайди ва ҳаракатларимизни бошқариб, тартибга солиб туради. Бордию ҳаракат маркази ишдан чикса, одамнинг ҳаракатлари ҳам бир-бири билан уйғунлашмайди, издан чиқади, килмокчи бўлган иш-ҳаракатларни одам тўғри бажара олмайди. Буни спиртли ичимлик истеъмол қилган киши ҳаракатида куриш мумкин.

Ироданинг нерв-физиологик механизми сифатида бош мия катта ярим шарлари пўстининг шартли рефлекслар ҳосил қилишдан иборат бўлган фаолиятини ҳам кўрсатиш мумкин.

Демак, иродавий ҳаракатларнинг механизмини бош миядаги ҳаракат маркази фаолияти, суяк-мускул сиситемасининг фаолияти, шартли рефлекслар ва иккинчи сигналлар системаси ташкил этади.

ИРОДА АКТИ ВА УНИНГ СТРУКТУРАСИ

Иродавий ҳаракатларнинг дастлабки бошлангич нуқтаси ҳаракат мақсадининг вужудга келиши ва шу мақсаднинг ўртага қўйилишидир. Мақсад - кишининг шу пайтда керакли ва зарур деб топган иш-ҳаракатларини тасаввур этиши демакдир.

Мақсадни тасаввур қилиш одатда, шу мақсадга эришиш, истак-орзуни амалга ошириш йўлидаги интилишга боғлиқ бўлади. Масалан, киши қийин ахволга тушиб қолса, шу ахволдан бир амаллаб кутилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Киши шу вазиятни маълум даражада ўзгартириш, бир нимага барҳам бериш, бир нима кушиш ва шу каби мақсадларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Хатти-ҳаракатни мақсад қилиб қўйиш кишининг меҳнат фаолияти, касб-корига боғлиқ бўлган вазифаларига ва турмушдаги бурчларига қараб белгиланади. Киши жамиятда, жамоада тутган ўрни мақсад қўйишга таъсир этадиган муҳим омил ҳисобланади.

Кишида келиб чиқадиган эҳтиёжлар дарров яққол тасаввур қилинадиган мақсад тарзида ҳосил бўла қолмайди. Кўнгилда кечаётган эҳтиёж ва интилишлар турли даражада англаниши ва турлича тасаввур қилиниши мумкин.

Масалан, эҳтиёж ва интилишлар баъзан истак тарзида кўнгилдан кечади. Истак шундай ҳолатки, бунда одам ўзига нимадир етишмаётганини, ниманидир истаётганини ҳис қилиб турадию, ўша нарса нима эканини яхши тасаввур қила олмайди. Тилак интилишнинг шундай босқичики, бунда киши ҳаракат мақсадини англаб этади, лекин унга эришиш йўллари ва воситаларини ҳали тушуниб етмайди.

Эҳтиёж яна кучайиб бораверади. Натижада интилиши мақсадларидан ташқари, унинг йўл, усул ва воситалари ҳам аста-секин англашилиб боради. Интилишнинг бундай тўла англанилган босқичи хоҳиш деб айтилади.

Мақсаднинг ва унга етишиш йўллариининг маъқул ва номаъқуллигини белгилаб берадиган ҳамма нарса иш-ҳаракат мотивлари деб айтилади. Киши нега бошқа бир мақсадни эмас, балки худди шу мақсадни ўз олдига қўймоқда, шу мақсадга етишмоқ учун бошқа йўл ва воситалар билан эмас, балки худди шу воситалар билан иш қўришнинг сабаби нима деган саволга жавоб мотив деб аталади. Мақсадларни, уларга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш жараёни баъзан ички кураш характерига эга бўлади. Бу курашда турли куч ва жозибага эга бўлган бир неча мотив майдонга чиқади. Бу жараён мотивлар кураши деб юритилади. Мотивлар кураши кўпинча тафаккур билан ҳиссиёт ўртасидаги курашдан иборат бўлади. Бундан ташқари, бу бурч ҳисси билан унга оид бўлган қандайдир бошқа шахсий ҳис ўртасидаги кураш тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини танлаш жараёни, режалаштириш мотивлар кураши билан боғланган бўлиб, қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш муайян бир мақсадни ва шу мақсадга эришиш йўлидаги ҳаракат усуллари билан бирини танлаб олиш демакдир. Тез қарорга келиш суръати бир қанча сабабларга, жумладан, эҳтиёжга, ҳал қилувчи мотив кучига, вазиятга, ҳиссиётга, тафаккур ва ҳаёлнинг тараққиёт даражасига, кишининг турмуш тажрибаси ва билимларига, дунёқараши, темперамент ва характери, бошқа кишиларнинг маслаҳати, буйруги, таклифларига боғлиқдир. Бундан ташқари, мақсаднинг аҳамиятлилигига, бирорта қарорга келтирувчи фаолиятнинг характери хам боғлиқ бўлади.

Қатъият фақат тезлик билан қарорга келишдагина эмас балки, қарорни тез ва дадил бажаришда хам зоҳир бўлади. Тезлик билан қарорга келиш ва уни белгиланган муддатда бажариш – қатъиятни намойиш қилиш демакдир.

Қабул қилинган қарор мустаҳкам ёки бўш бўлиши мумкин. Бир марта қабул қилиниб, кейинчалик ўзгартирилмайдиган ва маълум вақт давомида албатта бажариладиган қарор қатъий ва мустаҳкам қарор дейилади. Қарор қабул қилинсаю, кейин ё ўзгартирилса, ёки бошқа янги қарор билан алмаштирилса, ёхуд бутунлай бекор қилинса, бундай қарор бўш қарор дейилади. Қатъий ва мустаҳкам қарорга келиш ироданинг ижобий хусусиятидир.

Қарор унга мувофиқ келадиган чоралар кўриш ва ҳаракат қилиш учун қабул қилинади. Қарордан ҳаракатга ўтишни қарорни ижро этиш дейилади. Ироданинг энг муҳим ва асосий босқичи қарорни ижро этишдир.

Одатда иродавий ҳаракатлар 2 хил: жисмоний ва ақлий бўлади. Жисмоний ҳаракатларга ҳар хил меҳнат операциялари, ўйин ва спорт машғулотлари ва бошқалар киради. Ақлий ҳаракатларга эса масала ечиш, ёзма ишлар, дарс тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлари олиб бориш кабилар киради. Кўп вақт такрорланиб ўзлашиб кетган, кўникма ва малакаларга айланган ҳаракатлар хам мураккаб иродавий ҳаракатлардандир.

Қарорни ижро этиш, одатда, маълум вақт, муддат билан боғлиқ бўлади. Қарор кечикмасдан, белгиланган муддатда ижро этилса, бу ироданинг ижобий сифатидан далолат беради.

Аммо қабул қилинган қарор ҳамиша бажарилавермайди, айрим ҳолларда эса уз вақтида бажарилмай қолади. Ижроси пайсалга солинадиган ёки бутунлай ижро этилмайдиган қарорлар ниятлар деб айтилади.

Бир қатор ҳолларда қарорга келиш бошқа кучли эҳтиёжларнинг таъсирини зарурий тарзда енгиш билан боғлиқ бўлган жиддий характердаги ички зўр бериш билан боғлиқ бўлади. Ўзидаги қаршиликларни енгиш билан боғлиқ бўлган бундай жараён иродавий зўр бериш дейилади. Иродавий зўр бериш онгнинг, аввало нерв-мускул аппаратининг махсус зўриқишида ифодаланади ва организмнинг ташқи ўзгаришларида намоён бўлади. Бундан ташқари, зўр бериш учун яна куч сарфлашга хам тўғри келади.

Иродавий зўр бериш ва иродавий ҳаракат мақсадга эришиш йўлида учрайдиган тусиқларни енгишда намоён бўлади. Тусиқлар эса икки хил: ички ва ташқи тусиқлар бўлиши мумкин.

Ироданинг навбатдаги босқичи ижрога баҳо бериш бўлиб ҳисобланади. Баҳо бериш қилинган ишни маъқуллаш, оқлаш ёки қоралашдан иборат бўлади. Бу баҳо қабул қилинган қарор ёки бажарилган ҳаракатлардан мамнун бўлиш ёки мамнун бўлмаслик туфайли келиб чиққан махсус ҳиссий кечинмаларда ифодаланади.

Демак, ирода инсонгагина хос ноёб психик жараён дир. У инсоннинг онгли ҳаракатларида намоён бўлади. Ирода туфайлигина турли қаршиликларни енгиб ўз мақсадимизга эришамиз. Ирода жуда мураккаб тузилишга эгадир. У кўплаб ҳаракат босқичларини ўз ичига олади.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

мақсад, мотив, мотивлар кураши, ирода, ирода акти, иродавий зўр бериш, қарор, қарорни ижро этиш, ижрога баҳо бериш, дадиллик, қатъиятлилиқ, матонатлилиқ, сабр-тоқатлик.

Мустақил иш мавзуси:

- 1. Фаоллик ҳақида тушунча.*
- 2. Мотив ва мотивлар курашини.*
- 3. Ирода босқичлари.*
- 4. Ирода сифатлари.*

8-мавзу:Темперамент. Характер

Режа:

- 1.Темперамент ҳақида тушунча.*
- 2.Темпераментнинг классик назариялари.*
- 3.Темпераментнинг нерв-физиологик механизмлари.*
- 4.Темперамент типлари.*
- 5.Меҳнат ва ўқиш фаолиятида темпераментнинг роли.*
- 6.Психологияда характер муаммолари.*
- 7.Характераолгияга турлича ёндошувлар.*
- 8.Характернинг тузилиши.*
- 9.Характерда акцентуация ҳолати.*
- 10.Хулқ-атвор ва характернинг шаклланиши.*
- 11.Тарбия ва ўз-ўзида характерни тарбиялаш.*

Маълумки, одамлар хулқ-атвори ва фаолият мотивлари нисбатан тенг бўлганда, ташқи таъсирлар бир хил бўлганда, таъсирчанлиги ва кўрсатаётган энергиясига кура бир-бирларидан, сезиларли даражада фарқ қиладилар. Жумладан, бир хил киши секинликни, бошқаси шошилишни ёктиради. Бир хил одамларга ҳиссиётларнинг тез кўзгалиши хос бўлса, бошқасига эса совуқконлик хосдир, бошқа бировни кескин имо-ишоралар, маъноли мимика, бошқасини ҳаракатларда оғир-босиқлик, юзнинг жуда ҳам кам ҳаракат қилиши ажратиб туради. Сўз юритилаётган индивидуал фарқлар ўзларининг туғма асосига эга булиши шубҳасиздир. Бу шу нарса билан тасдиқланадики,

бу фарқлар болалигидаёқ маълум бўла бошлайди, хулқ-атворнинг ва фаолиятнинг турли соҳаларида кўринади ва алоҳида барқарорлиги билан ажралиб туради.

Психиканинг индивидуал жиҳатдан ўзига хос, табиий жиҳатдан шартлашган динамик кўринишлар мажмуи кишининг *темпераменти* деб аталади.

Темперамент ҳақидаги дастлабки назария антик дунёга бориб тақалади. Масалан: эрампиздан олдинги 6-асрда яшаган юнон медицинасининг йирик вакили Гиппократ биринчи бўлиб одамларнинг ҳар хил хусусиятга эга эканлигига эътибор берган ва бу ҳар хилликнинг сабабини аниқлашга ҳаракат қилган. У кишилар темпераментининг организмдаги суюқликларга (қон, шилимшиқ парда, ут)га қараб уч турга бўлади.

Кейинчалик ҳам темперамент ва унинг асоси ҳақида олимлар томонидан хилма-хил назариялар яратилди. Масалан, 18-аср охирида яшаган Иммануэл Кант қоннинг индивидуал хусусиятлари темпераментнинг табиий асоси ҳисобланади, деган эди. П.Ф.Лесгафтнинг ғояси ҳам шу нуқтаи-назарга яқин эди. Бу олим темпераментнинг асосида қон айланиши (жумладан, қон томирлари кенглиги ва таранглиги, уларнинг бўш жойи диаметри, юракнинг шакли ва ҳоказолар) хусусияти ётади деб ёзган эди.

Немис психиатри Э.Кречмер индивиднинг психик тузилиши тана тузилишига, тананинг умумий конструкциясига тўғри келади, деган эди. Сизгилирли психик активликка эга бўлган, атрофда бўлаётган воқеаларга тез муносабат билдирувчи, тасуротларини ҳадеб ўзгартиришга интилувчи, мувоффақиятсизликлар ва кўнгилсизликларни нисбатан енгил ўтказиб юборувчи, жонли, ҳаракатчан, ифодали мимикаси ва ҳаракатлари бўлган киши сангвиник деб аталади.

Юраги кенг, барқарор интилишларга ва кайфиятларга, доимий ва чуқур ҳис-туйғуларга, ҳаракатлари ва нутқи бир хил маромда бўлган, рухий ҳолати ташқи томонда ифода этиладиган киши холерик деб аталади.

Таъсирчан, чуқур кечинмали, гап кўтара олмайдиган, аммо атрофдаги воқеаларга унчалик эътибор бермайдиган, ўзини тўхтата оладиган ҳаракатлар қиладиган ва секин овоз чиқарадиган кишилар меланхолик деб аталади.

Аслида одамларни тўртта тип бўйича тақсимлаш мумкин эмаслиги тушунарли. Темпераментнинг турли-туманлиги тўғрисидаги масала фанда ҳали батафсил ҳал қилинган эмас.

Темпераментнинг нерв-физиологик механизмини илмий асосда тушунтириб берган киши И.П.Павлов бўлди. У ўз умрининг кўп қисмини олий нерв системаси фаолиятини ўрганишга бағишлади. Унинг тадқиқотлари натижасида одамдаги индивидуал фарқлар асосида қўзғалиш ва тормозланиш ўртасидаги вазминлик ётиши аниқланди.

Нерв системаси кучи типнинг энг муҳим кўрсаткичдир.

Нерв фаолиятининг типи-организмининг табиий хусусиятидир. У наслийдир, лекин бутунлай ўзгармас ҳисобланмайди, у ривожланишда ва маълум даражада атрофдаги шароит, муҳит таъсири туфайли ўзгаради.

Темперамент типларининг келиб чиқишида, юқорида айтганимиздек, ирсият асосий роль уйнайди. Агар ирсий физиологик хусусиятлари бир хил бўлган битта тухумдан пайдо бўлган (гомозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятларини ирсий физиологик хусусиятлари унчалик бир хил бўлмаган, иккита тухумдан пайдо бўлган (гетерозигот) эгизакларнинг темперамент хусусиятлари билан солиштирсак, бу нарса жуда яққол кўринади. Гетерозигот эгизакларга қараганда гомозигот эгизаклар темпераментлари хусусиятларининг ўхшашлик даражаси шунчалик ортиқки, темпераментнинг ирсият йўли билан берилиши имконияти 85% га тенгдир.

Гарчи темперамент типлари, умуман олганда, ирсиятга боғлиқ бўлсада, темпераментнинг айрим хусусиятлари ҳаёт шароитлари ва тарбияга боғлиқ ҳолда маълум даражада ўзгаради.

Темпераментнинг айрим хусусиятларининг ҳаёт шароитлари ва тарбияга боғлиқ ҳолда ўзгаришини темперамент типларининг вояга етишидан фарқлаш лозим. Темперамент типи унга хос бўлган барча характерли хусусиятлари билан бирга, туғилиш чоғидан бошлаб ёки маълум ёшда бирдан пайдо бўлиб қолмайди. Нерв системасининг вояга етишидаги умумий қонуниятлари темперамент типининг вояга етишига ҳам таъсир қилиб, изини қолдиради.

Маълум темперамент типининг асосий хусусиятлари бирданга ҳаммаси номоён булмайди, балки ёшга қараб секин-аста нерв системасининг вояга етиши билан боғлиқ ҳолда номоён бўлади. Бу жараёни биз темпераментнинг вояга етиши деб атаёмиз.

Ёшлар касб танлаётганда темперамент хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим. Масалан, ҳозирги замон техникасида меланхологик учун кирувчи самолётда учувчи бўлиш ниҳоятда қийин ёки бундай кишиларга тўсатдан пайдо бўладиган авария хавфи ўз вақтида реакция қилиши лозим бўлган мураккаб энергосистемаларда ишлаш оғирлик қилади. Одамнинг психик хусусиятларига нисбатан фаолиятнинг шундай йўл билан танлашни касбга йўналтириш деб аталади.

Темперамент турларининг батафсил психологик тавсифи куйидагилардан иборат:

Сангвиник - бу типдаги темпераментга эга бўлган шахс одамлар серҳаракат тез таъсирланувчи бўладилар, бирор фаолиятга ва ғайрат билан киришиб, тез совиб кетишлари ҳам мумкин (лотинча - қон қисмларининг зарурий нисбати). Юқори реактивлик, бесабаб ҳахолаб кулиши мумкин, арзимаган нарса қаттиқ жахлни чиқариши кузатилади. Унинг юзидан кайфиятини билиши мумкин. Диққатни тез тўплайди. Юқори фаоллик жуда ҳаракатчан, фаол, узок вақт ишлаб чарчамаслиги мумкин, тартибли-интизомли. Одамлар билан юда тез киришади, ҳолатга тез кўникади.

Холерик - бу темпераментга эга бўлган киши, тез ғайратли ишга этирос билан киришадиган лекин мувозанациз, тез жаҳли чиқадиган одам (лотинча холе - ўт). Пасцензитивлик, юқори реактивлик ва фаоллик. Реактивлик фаолликдан юқори. Шунинг учун кутилмаганда портиловчан, қизикқон,

бетоқат. Тез кўзғалувчан, у мимика жестларида ифодаланади. Қатъий, тез инсонларга нисбатан интилувчан.

Флегматик - темпераментга эга бўлган одам осайишта, ўзини оғир вазмин тутати, барқарор кайфиятли одам (юнонча фелагма - боғлам). Паст сензитивлик, кучсиз эмоционаллик, кулдириш, жаҳлини чиқариш, хафа қилиш қийин. Ҳаракатлари ифодасиз, ишчан, фаоллик реактивликдан устувор. Бир ишдан иккинчи ишга секин ўтади. Янги иш вазиятга секин кўникади.

Меланхолик - бу темпераментга шахс кайфиятли ҳаракатлари секин, чуқур ҳамда барқарор эмоционал кўзғалувчанлик ва кам нерв психик активлик билан характерланади. Меланхолик темпераментлик кам ҳаракат, кам гап, ҳиссиёти чуқур ва барқарор бўлса ҳам ҳиссиёти сифатдан яхши ифодаланадиган кишилар бўлади. Бироқ улар ишга кира бошлаган ишларни охиригача етказадилар (юнон мелаине чоле). Ригид, интроверт.

Темперамент типлари хусусиятларини мумкин қадар ўқувчилар тарбияси жараёнида ҳам ҳисобга олиш зарур. Масалан, меланхолик ўқувчини ҳаракатлари учун кескин қойиш унинг руhini тушуриб юборади. Ўзига ишонмаслигини яна орттириб юборади ва ўз кучига шубҳа билан қарай бошлайди.

Юқоридаги усулларни сангвиникка нисбатан ишлатиб бўлмайди. Чунки у бошидан кечирган кўнгилсиз воқеаларни тез эсдан чиқариб юбориши ва ўз кучи, қобилиятларига ортиқча баҳо беришга мойилдир, Салбий баҳога нисбатан қаттиқлик ва талабчанлик унга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Темперамент хусусиятини ҳисобга олган ҳолда худди шундай индивидуал муносабатда бўлиш меҳнатни ташкил қилишда, спортчиларнинг машқларида ва фаолиятнинг бошқа турларида ҳам бўлиши мумкин ва зарур.

Ниҳоят, фаолият талабларига темпераментни мослаштиришнинг асосий энг универсал йўли индивидуал иш услубининг таркиб топишидир. Меҳнат фаолиятидаги айни бир вазифа ва талаблар ҳар турли усуллар ва йўллар билан бир хил самарали амалга оширилиши мумкин. Фаолиятнинг индивидуал услуби деганда биз мазкур одам учун характерли бўлган ва самарали ишлаши учун мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракатлар ва йўлларнинг индивидуал системасини тушунамиз. Фаолиятнинг индивидуал услуби одамда ўз-ўзидан, стихияли равишда пайдо булмайди. У таълим ва тарбия жараёнида таркиб топади. Индивидуал услуб таркиб топишининг биринчи куртаклари боғча ёшидаги катта болаларда ўйин характеридаги амалий масалаларни ечишдаёқ кўрина бошлайди.

Фаолиятнинг индивидуал услубини тарбиялаш ишлари асосланадиган қатор алоҳида психологик ва педагогик принциплар мавжуддир. Таълим ва тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, индивидуал услубни таркиб топтириш йўли билан одамнинг темпераментини фаолиятнинг объектив талабларига яхшилаб мослаштиришдан иборатдир.

Характер юнонча сўз бўлиб «зарб қилиш», «белги қўйиш» деган маънони билдиради. Ҳақиқатдан ҳам характер кишининг жамиятда яшаб эгаллайдиган алоҳида белгиларидир. Шахснинг индивидуаллиги

темперамент сингари характерда ҳам намоён бўлади. Характер – бу шахсининг фаолият ва мулоқоти жараёнида таркиб топадиган ва намоён бўладиган индивидуал хусусиятлари бўлиб, индивид учун у типик хулқ-атвор ҳислатлари бўлиб ҳисобланади.

Кишининг шахси у нима килаётгани билан эмас, балки уни қандай бажараётгани билан характерланади.

Характер киши шахсининг йўналишини белгилайдиган ижтимоий муносабатларга боғлиқ бўлади. Масалан, кишининг жамиятдаги юқори мавқеи, амали унда такаббурлик, кеккайганлик, риёкорлик, таъмагирлик, мунофиқлик каби салбий ҳислатларни шаклланишига олиб келиши мумкин. Аксинча, оддий меҳнаткаш кишида жамиятдаги мавқеига қараб фидокорлик, мақсадга интиланлик, жасурлик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби ижобий ҳислатларнинг шаклланишига олиб келади.

Характернинг тузилиши

Инсон шахсининг характери ҳамиша кўпқирралидир. Унда алоҳида хусусиятлар ёки томонлар ажратилиб кўрсатилиши мумкин, лекин улар бир-бирларидан ажратилган, алоҳида ҳолда бўлмайди, балки маълум даражада характернинг барқарор тузилишини ташкил этган ҳолда ўзаро боғлиқ бўлади.

Характернинг структураси унинг айрим хусусиятлари ўртасидаги қонуний боғлиқликда намоён бўлади. Агар киши қурқок бўлса, у ташаббускорлик, қатъийлик ва мустақиллик, фидокорлик ва олийҳимматлилик фазилатларига эга бўлмайди, деб айтиш учун асослар бор. Шу билан бирга характери буйича қурқок кишидан итоаткорлик ва хушомадгуйликни, кучли кишига нисбатан конформлиликни, қизғончиликни, сотқинликни, ишончсизлик ва эҳтиёткорликни кутиш мумкин.

Характернинг хусусиятлари орасида айримлари асосий, етакчи бўлиб, унинг намоён булишининг бутун комплексини ривожлантиришнинг умумий йўналишини белгилаб беради. Улар билан бир қаторда иккинчи даражали хусусиятлар ҳам борки, айрим ҳолларда улар асосий деб белгиланиши, бошқаларида эса улар билан уйғунлашмаслиги ҳам мумкин.

Характер субъектнинг биргаликдаги фаолиятга қай тарзда фаол жалб қилинишига қараб хатти-ҳаракатларда ва ишларда намоён бўлар экан, ҳам фаолият мазмунига, ҳам қийинчиликнинг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз бартараф этилишига, ҳам асосий ҳаётий мақсадларга эришишда узоқ ва яқин истиқболларга боғлиқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб характернинг таркиб топишида кишининг теварак-атрофидаги муҳитга ва ўз-ўзига, бошқа кишига қандай муносабатда бўлиши муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга бу муносабатлар характернинг энг муҳим хусусиятларини таснифлаш учун асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб характернинг тўртта системасини фарқлаш мумкин:

1. Жамоага ва айрим одамларга бўлган муносабатларни ифодаловчи характер хусусиятлари: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик ва бошқалар.

2. Меҳнатга бўлган муносабатни ифодаловчи характер ҳислатлари: меҳнатсеварлик, виждонлилик, ишга масъулият билан қараш, бошлаган ишни охирига етказиш, ялқовлик, масъулиятсизлик кабилар.

3. Нарсаларга бўлган муносабатларни ифодаловчи характер ҳислатлари: озодалик ёки ифлослик, нарсаларни аяб ишлатиш ёки аямаслик, уларга нисбатан эҳтиёткорлик ёки аксинча кабилар.

4. Одамнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларини ифодаловчи характер ҳислатлари: иззат-нафслилик, ўз шаънини эҳтиёт қилиш, камтарлик, ўзига ортиқча баҳо бермаслик ёки шухратпарастлик, мағрурлик, димоғдорлик, ўзини катта олиш кабилар.

Характер хусусиятларининг акцентуацияси

Характернинг кишида кўринадиган ва тилимизда ўз ифодасини топган хусусиятлари беҳад кўп бўлиб, мингдан ортиқни ташкил этади. Шу сабабли характернинг ўзгариб турадиган хусусиятларини санаб ва таснифлаб бериш жуда қийин. Бундан ташқари ҳозиргача психологияда аниқ бир таснифлаш схемаси ишлаб чиқилган эмас. Характернинг у ёки бу хусусияти миқдорий ифодалилиги охириги маррага етиб ва норма чегарасига бориб қолганда характернинг акцентуация /ортиқча урғу берилиши/ деб аталадиган вазият пайдо бўлади. Характернинг ортиқча урғу берилиши – айрим характер хусусиятларининг кучайиши натижаси сифатида норманинг охириги чегарасидир.

Хулқ-атвор ва характернинг шаклланиши

Худи темперамент каби характер ҳам кишининг физиологик хусусиятларига, характернинг кўринишларига ўз таъсирини кўрсатади, уларнинг пайдо булиши ва кечишининг динамик хусусиятларини белгилаб беради.

Темпераментнинг хусусиятлари характернинг муайян томонлари ривожланишига каршилиқ кўрсатиши ёки ёрдам бериши мумкин. Холерик ёки сангвиник типдаги одамга қараганда флегматик типдаги одам ўзида ташаббускорлик ва қатъийликни таркиб топтириши қийинроқдир. Журъатсизлик ва ваҳималиликни бартараф этиш меланхолик учун жиддий муаммо бўлиб ҳисобланади. Характернинг жамоада шакллантирилиши холерик типдаги кишиларда ўзини тута билишни ва ўзига танқидий кўз билан қарашни, сангвиникларда саботлиликни, флегматикларда фаолликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратади.

Характер хусусиятларининг пайдо булиши, унинг табиати, ўзгариши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги психологларнинг узоқ давом этиб келаётган мунозаралари мавзуи бўлиб ҳисобланади.

Характер – кўп жихатдан ўз-ўзини тарбиялаш натижасидир. Характерда кишининг одатлари жамланади. Характер одамлар фаолиятида намоён бўлади, шу билан бирга, у шу фаолиятда шаклланади ҳам. Агар йигит ёки қиз ўзини - ўзи танқид қилишни характерининг хусусияти сифатида

тарбиялашга ўринаётган бўлса, улар узларига танқидий нуқтаи назардан ёндошишлари керак.

Меҳнат ва ўқиш тўғрисида гапирмаган такдирда ҳам кундалик турмуш, оиладаги ҳаёт шароитлари инсоний характерлар мактабидир. Педагоглар ва ота-оналар олдида мунтазам равишда масъулиятли вазифа: болалар характерида сезила бошлаган ўзгаришларни ўз вақтида сезиш ва уларни инобатга олган ҳолда хулқ-атвор ва тарбия соҳасида ўз йўлини амалга ошириш вазифаси туради.

Шундай қилиб, кишига характер табиатан берилмаган. Ўзгартириб ва қайтадан шакллантириб булмайдиган характер бўлмайди. «Менинг характерим шунақа ва мен ўзимни ҳеч нарса қила олмайман» деб баҳона қилиш психологик жиҳатдан мутлақо асоссиздир. Ҳар қандай киши ҳам ўз характерини барча кўринишлари учун жавобгардир, ҳар бир киши ўзини-ўзи тарбиялаш имконига эгадир.

Характернинг шаклланиши

Кишининг характери туғма, доимий ва ўзгармайдиган нарса эмас. Бола онадан меҳнатсевар ёки дангаса, ростгуй ёки мунофиқ, ботир ёки қурқоқ, интизомли ёки интизомсиз бўлиб туғилмайди. Ҳар бир одамнинг характери темпераменти асосида, ижтимоий муҳит таъсири билан, тарбия, амалий фаолият жараёнида ва киши ўз-ўзини тарбиялаш билан тараққий қилиб, ўзгариб боради.

Характернинг тараққийси кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳиссиётларининг тараққий қилиб бориши билан мустаҳкам боғлиқдир. Шу сабабли кишининг иродаси, ақл-идроки ва ҳис-туйғуларининг тараққий қилиб бориши ва уларнинг тарбияланиши ҳақида айтилган фикрларнинг ҳаммаси киши характерининг ривожланишига ҳам тегишлидир.

Характернинг усишида ижтимоий муҳитнинг роли

Кишининг бутун ҳаёти давомида унинг характери таркиб топишига ижтимоий муҳит, аввало, шу киши бирга яшаб ва ишлаб келган жамоа катта таъсир кўрсатади.

Характернинг усишида тарбиянинг роли

Характернинг усишида тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш асосий ва етакчи роль уйнайди. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг характери аввало оилада ва мактабда тарбияланади. Болаларнинг характерини тарбиялашда катта, масъулиятли вазифа ота-оналар, ўқитувчилар, болалар боғчалари тарбиячилари зиммасига тушади.

Характернинг ўсишида жамоанинг роли

Бола характерининг таркиб топишида жамоанинг тарбиявий роли ниҳоят каттадир. Инсон яқка, бир-биридан ажралган ҳолда танҳо яшай олмайди. У муайян бир жамоада, чунончи, оилада, мактабда, цехда, боғчада ҳаёт кечиради. Жамоа – шахс билан жамият ўртасидаги боғловчи звенодир. Одамнинг фаолияти – ўйин, ўқиш ва меҳнати худди мана шу жамоада воқе бўлади. Жамоа шахснинг энг яқин конкрет муҳити бўлиб қолмай, балки

шахсни тарбиялайди ҳам. Киши характерининг керакли ижобий ҳислатлари фақат жамоада тарбияланмоғи мумкин.

Ўз характерини ўзи тарбиялаш

Киши характери ўз-ўзини тарбиялашнинг ҳам махсулидир. Шу сабабли ҳар бир киши маълум ёшдан бошлаб ўз характери ва унинг айрим сифатлари учун жавобгар ҳамдир. Шу билан бир вақтда киши ўз характерида салбий томонларни ўзи тан олиши, камчиликларни ўзи тарбиялаши лозим. Ўз характерини тарбиялашда киши аввало яхши фазилатларни, яхши идеалини ўзида тарбиялаши керак.

Характернинг ўсишида намунанинг роли

Юксак ахлоқий ва иродавий ҳислатлари билан ҳаммага манзур бўлган кишилар намунаси характер тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Жамиятимизда болаларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин бўлган ажойиб инсонлар жуда кўп. Айниқса, мустақилликка эришганимиздан кейин ўзининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, халқ манфаати йўлидаги фидокорлиги билан ёшларга ибрат бўладиган кишилар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай кишиларни биз улкан қурилишларда, Тошкент-Ўш халқаро йўлининг қурилишида, чет эллар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар очганлар орасида, фан, техника, санъат, адабиёт намояндалари орасида кўплаб учратишимиз мумкин.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

темперамент, нерв типи, кўзгалиш, тормозланиш, мувозанатлилик, холерик, сангвиник, меланхолик, флегматик, характер, характер ҳислати, характер структураси, акцентуация, интерверсия, экстрверсия, френология.

Мустақил иш мавзуси:

1. *Характер ва унинг темпераментдан фарқи.*
2. *Характер классификацияси.*
3. *Характер структураси.*
4. *Характер шаклланишининг омиллари.*
5. *Темперамент ҳақида тушунча.*
6. *Темпераментга хос назариялар.*
7. *Темперамент типлари.*
8. *Касб танлашда темпераментни ҳисобга олишининг аҳамияти.*

9-мавзу:Қобилиятлар

Режа:

1. *Қобилиятлар ҳақида тушунча.*
2. *Қобилиятларнинг сифат ва микдор характеристикаси.*
3. *Қобилиятларнинг тузилиши.*
4. *Истеъдод, унинг пайдо булиши.*
5. *Қобилиятлар ва истеъдоднинг табиий шарт-шароитлари.*
6. *Қобилиятларнинг таркиб топшиши.*

Қобилият - шахснинг маълум фаолиятини муваффақиятли амалга оширишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият.

Талант - қобилиятнинг юқори даражаси.

Лаёқат - қобилиятлар таркиб топишининг дастлабки туғма замини.

Ирсият - авлоддан - авлодга ўтадиган наслий хусусиятлар.

Истеъдод - инсонда қобилиятларнинг ривожланишини табиий замини.

Даҳолик - инсонда бирор бир қобилиятнинг энг юқори босқич бўлиб, у инсонни бирор бир фаолият турида буюк шахс қилиб ифодалайди

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин ёшлардаги қобилият ва истеъдоднинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилди. Хукуматимиз ва шахсан Президент И.Каримов ёшларнинг тарбияси, улардаги қобилиятни устириш масаласига биринчи даражали эътибор бера бошлади. Республикамизда «Умид» жамгармасининг ташкил қилиниши бу соҳадаги ишларнинг дебочаси булди. Кейинчалик «Устоз» бирлашмаси, «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази, «Хунарманд» уюшмаси қабилар хам тузилдики, булар халқимизнинг, биринчи навбатда ёшларнинг интилишлари, қизиқишлари, қобилият ва истеъдодларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Хўш, қобилиятлар нима? Қобилиятлар кишининг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, кўникма, малакалар орттириш шу хусусиятларга боғлиқ бўлади, лекин шу хусусиятларнинг ўзлари мазкур билим, кўникма, малакаларга тааллуқли бўлмайди. Қобилиятлар билим, кўникма, малакаларни эгаллашда намоён бўлса хам, билимлар ва кўникмаларни эгаллаш билан боғланиб қолмайди. Қобилиятлар ва билимлар, қобилиятлар ва малакалар, қобилиятлар ва кўникмалар айнан бир-бирига ўхшаш нарса эмас.

Малакалар кўникма ва билимларга нисбатан кишининг қобилиятлари қандайдир имконият сифатида намоён бўлади. Тупрокка ташланган дон ана шу дондан униб чиқиши мумкин бўлган бошоққа нисбатан атиги имконият бўлиб ҳисоблангани сингари кишининг қобилияти бу билимлар ва кўникмаларни эгаллаш учун имконият ҳисобланади, холос.

Қобилиятлар фақат фаолиятда, шунда хам фақат ана шу қобилиятларсиз амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолиятдагина намоён бўлади.

Қобилиятлар билим, малака ва кўникмаларнинг ўзида кўринмайди, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни, бошқача қилиб айтганда, мазкур фаолият учун муҳим бўлган билимлар ва кўникмаларни эгаллаш жараёни турли тенг шароитларда қанчалик тез, чуқур, осон ва мустаҳкам амалга оширилишида намоён бўлади. Худди ана шу ўринда юзага чиқадиган фарқлар бизга қобилиятлар ҳақида гапириш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, қобилиятлар шахснинг мазкур фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал – психологик хусусиятдир.

Психологияда табиий ва махсус қобилиятларга ажратилади.

Табиий қобилиятлар - бу идрок, хотира, тафаккур ва бошқа оддий психик жараёнида намоён бўлиш қобилиятидир. Инсонда ижтимоий муҳитга мослаша олиш қобилияти мавжуддир. Бу умумий ва махсус ақлий қобилиятлар, нутқ ва мантиқдан фойдаланганда шахслараро, предметлараро муносабатларда намоён бўлади.

Умумий қобилиятлар - инсонни турли фаолият йўналишларида муваффақиятини таъминлайди.

Махсус қобилиятлар - инсонни бирор бир махсус фаолият йўналишидаги муваффақиятини таъминлайди ва унинг намоён бўлиши учун махсус лаёқат бўлиши лозим. Бундай қобилиятларга мусиқавий, математик, техник, педагогик ва бошқалар киради.

Мусиқавий қобилиятлар - Б.М.Теплов томонидан ўрганилиб, «Психология музыкальных способностей» китобида кенг очиб берилган.

Математик қобилиятлар - Крутецкий томонидан ўрганилган. У «Математик қобилиятлар психологияси» монографиясида математик қобилиятлар ва уларнинг тизимини кенг ёритиб берган. Идрок, тафаккур, хотира, хаёлнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаб, уларни математик фаолиятда намоён бўлишини тадқиқ қилган.

Тасвирий санъатга хос қобилиятларни - В.И.Криенко ўрганган. У «Тасвирий фаолият қобилиятлари психологияси» китобида тасвирий қобилиятларни психологик таҳлилини берган.

Ташкилотчилик қобилиятларини узоқ вақт Л.И.Уманский ўрганган. У ташкилотчилик қобилиятлар тизимини яратади.

Қобилиятларнинг сифат ва миқдор харақтеристикаси

Қобилиятлар индивидуал – психологик хусусиятлар сифатида, яъни бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади. Ўз-ўзидан маълумки, кишилар бир-бири билан тенг эмас. Ана шунинг учун ҳам қобилиятлар ҳақида гап кетганда бу фарқларни характерлаб ўтиш керак. Бу фарқлар сифатли ва миқдорий булишлари мумкин.

Қобилиятларнинг сифат жихатдан харақтеристикаси инсонга меҳнат фаолиятининг қайси соҳасида (конструкторлик, педагогик, иқтисодчилик, спорт ва бошқаларда) осонлик билан ўзини топа олади, катта ютуқларга ва муваффақиятларга эришади деган саволга жавоб топиш имкониятини беради. Бу билан қобилиятларнинг сифат харақтеристикаси уларнинг миқдорий харақтеристикасига узвий боғлиқдир.

Психологияда қобилиятларни миқдор жихатдан ўлчаш муаммоси узоқ тарихга эгадир. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида қатор психологлар (Кеттел, Термен, Спирмен ва бошқалар) оммовий ихтисослар учун касб танлашни амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ бўлган талаблар таъсири остида таълим олаётганларнинг қобилиятини аниқлашни таклиф қилиб чиқдилар.

Уша пайтларда қобилиятларни ўлчаш усули сифатида ақлий истеъдод тестларидан фойдаланилди.

Ақлий истеъдод тестлари мазмун жихатдан қатор саволлар ва масалалардан ташкил топгандир. Уларни ечиш муваффақияти (сарфланган

вақтни ҳисобга олиб) балл ёки очколар йиғиндиси билан ҳисобланади. Масалан, ун бир ёшлик болаларнинг ақлий қобилиятларини аниқлаш учун инглиз мактабларида қуйидагича тест қўлланган: «Петр Жеймсга қараганда баландроқ, Эдвард Петрдан пастроқ. Ҳаммадан кура ким баланд? Савол тагига қуйидаги жавоблар ёзиб қўйилади: 1 Эдвард, 2. Жеймс, 3. Петр» Айта олмайман. Ёки бошқача тест: қизил, яшил, кўк, хўл, сариқ. Бу ерда бола туркумга кирмайдиган сўзни аниқлаши керак ва ҳоказо.

Болалар тестлар тўпламини бажариб бўлгандан кейин уларнинг натижаларини стандартлаштирилган йўл билан, яъни ҳар бир синалувчи олган очколар миқдорини ҳисоблаш билан шуғулланишади.

Қобилиятларнинг тузилиши

Қобилият сифатида намоён бўладиган фазилятлар йиғиндисининг тузилиши оқибат натижада конкрет фаолият талаблари билан белгиланади ва фаолиятнинг ҳар хил турлари учун турлича бўлади. Масалан, адабий қобилиятларнинг тузилиши эстетик туйғуларнинг юксак тараққий этган даражасини, хотирада ёрқин кўрғазмали образлар мавжудлигини, тил ҳиссини, бой фантазияни, одамлар психологиясига нисбатан зўр қизиқишни, ўз-ўзини ифодалаш эҳтиёжини ва шу қабиларни тақозо қилади. Мусиқий, педагогик, конструкторлик, тиббий қобилиятлар ва жуда кўп қобилиятлар тузилиши ўзига хос характерга эгадир.

Конкрет қобилиятлар тузилишини ташкил этадиган шахс ҳислатлари ва хусусиятлари орасида баъзи бирлари етакчи ўринни эгалласа, баъзи бирлари ёрдамчи ролни уйнайдилар. Жумладан, педагогик қобилиятлар тузилишида педагогик одоби, қўзатувчанлик, болаларга муҳаббат, уларга нисбатан юксак талабчанлик билан қўшиб олиб бориладиган билим беришга эҳтиёж, ёрдамчилик тарзида шулар жумласига кирадиган бир қатор ташкилотчилик қобилиятлари комплекси етакчи фазилятлар ҳисобланади.

Қобилиятлар умумий ва махсус бўлиши мумкин. Ҳар турли қобилиятларнинг конкрет психологик характеристикасини ўрганар эканмиз, биз бу қобилиятларда биргина эмас, балки жуда кўп турдаги фаолият талабларига жавоб берадиган умумийроқ фазилятларни ва бундан ташқари ушбу фаолиятнинг бир мунча торроқ доираларга жавоб берадиган махсус фазилятларни ажратишимиз мумкин. Айрим кишиларда бу умумий фазилятлар ёрқин ифодаланади. Масалан, Ибн Сино ҳам врач, ҳам ёзувчи, ҳам мусиқачи, ҳам математик ва ҳоказо қобилиятларга эга бўлган. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам драматург, шоир, композитор, педагог, жамоат арбоби бўлган. Айрим кишиларда эса фазилятлар кўпроқ бир фаолиятга тегишли бўлади. Масалан, рассомликка, композиторликка, наққошликка қобилият ва ҳоказо.

Истеъдод, унинг пайдо бўлиши

Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб айтилади. Истеъдод бу кишига қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган

қобилиятлар мажмуасидир. Қобилиятлар каби истеъдод ҳам фақат ижодиётда юксак маҳоратга ва анчагина муваффақиятларга эришиш имкониятидан иборатдир.

Уруш йилларида саркардалик истеъдодлари жушқин ривожланади, тинчлик даврида инженерлик, конструкторлик ва шу каби истеъдодлар ривожланади. Масалан, ҳозир Ўзбекистонни дунёдаги энг илғор, энг обрўли давлатлардан бирига айлантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Мустақиллик даврининг ана шу эҳтиёжи ажойиб кўрувчилар, муҳандислар, наққошлар, хунармандларнинг ўсиб чиқишига йўл очди. Айниқса спрот соҳасидаги муваффақиятларимиз бекиёсдир. Мана, ўзбек кураши бўйича биринчи ўринда, бокс бўйича юқори ўринлардан бирида турибмиз. Буларнинг ҳаммаси давр тақозосидир.

Истеъдод – бу қобилиятлар йиғиндисидан, уларнинг мажмуидан иборатдир. Алоҳида олинган, якка қобилиятни, гарчи тараққиётнинг жуда юксак даражасига эришган ва ёрқин ифодаланган бўлса ҳам, истеъдод билан тенглаштириб бўлмайди.

Шундай қилиб, истеъдод шахс психик фазилатларининг шу қадар мураккаб бирикмасики, уни қандайдир бирорта ягона қобилият билан, хатто бу қобилият хотиранинг юксак маҳсулдорлиги каби жуда қимматли қобилиятлар бўлишига қарамасдан, белгилаб бўлмайди.

Қобилиятлар ва истеъдоднинг табиий шарт-шароитлари

Шахснинг барча индивидуал психологик хусусиятлари каби қобилиятлар унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт ва фаолият жараёнида таркиб топади. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз, фақат уларни орттиришга қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос.

Ҳозирги пайтда истеъдод нишонларини миянинг ва сезги органларининг микроструктураси билан боғлайдиган назария энг маҳсулдор ҳисобланади. Мия хужайраларини чуқур ўрганиш истеъдодли кишининг нерв туркумаларини кўрсатадиган морфологик ва функционал хусусиятларида фарқ борлигини аниқлаш имкониятидадир деб тахмин қилиш мумкин. Шунингдек, истеъдод нишонларини нерв жараёнларининг айрим дифференциал хусусиятлари билан (нерв кучи, мувозанатлашуви ва ҳаракатчанлиги уртасидаги фарқларга қараб) ва шу билан олий нерв фаолияти турлари билан боғловчи гипотеза ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Булардан ташқари, қобилиятларни табиий асосларини нерв системасининг хусусий хусусиятлари деб аталган хусусиятлар билан боғлайдиган, яъни айрим одамларда кўриш, бошқа одамларда эшитиш, учинчи бир хилида эса ҳаракат соҳасида намоён бўладиган ўзига хос типологик хусусиятлар билан боғлайдиган гипотезалар яна ҳам ҳақиқатга яқинроқдир.

Жиддий статистика қобилиятлар ва истеъдодларнинг ирсият йўли билан ўтишини исботлайдиган ҳеч қандай далиллар бермайди. Қобилиятларнинг ирсият йўли билан ўтиши ҳақидаги илмий назарияга ҳам қарама-қаршидир.

Қобилиятларнинг таркиб топиши

Гарчи қобилиятларнинг ривожини ҳар турли одамларда мутлақо бир хил бўлмаган табиий шарт-шароитларга боғлиқ бўлса ҳам, юқорида кўриб ўтилган истеъдод нишонлари ва қобилиятлар ўртасидаги нисбат, қобилиятлар шунчаки табиат инъоми эмас, балки кишилик тарихининг маҳсули эканлигини кўрсатади. Агар ҳайвонларда олдинги авлод ютуқларининг кейинги авлодга ўтказиб берилиши асосан организмнинг ирсий морфологик ўзгаришлари орқали амалга ошса, инсонда бу ижтимоий-тарихий йўл билан, яъни меҳнат қуроли, тил, санъат асарлари ва шу қобилар билан амалга ошади.

Киши ўзида муайян фаолиятга қобилият бор ёки йўқлигини сезиш ёки сезмаслигини билдирадиган омил таълим методикаси ҳисобланади. Таълим методикаси қаерда ожиз бўлса, ўша ерда қобилиятларнинг туғма эканлиги ҳақидаги гаплар пайдо бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, методика доим такомиллашиб боради, бу эса «туғма қобилиятлар» доирасини торайиб боришига олиб келади.

Қобилиятлар ва истеъдодларни шакллантириш муаммоси катта ижтимоий ва давлат аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Инсон қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим омиллари – барқарор махсус қизиқишлардан иборат. Махсус қизиқишлар – бу инсоният фаолиятининг қандайдир соҳа мазмунига бўлган қизиқишлари бўлиб, бу қизиқишлар ана шу турдаги фаолият билан касб тариқасида шуғулланиш мойиллигига ўсиб кўтарилади. Билишга доир қизиқиш бу ўринда фаолият усуллари ва услубларини амалий равишда эгаллаб олишни рағбатлантиради.

Бирор меҳнат ёки ўқув фаолиятида қизиқишнинг пайдо бўлиши бу фаолиятга нисбатан қобилиятларнинг уйғониши билан чамбарчас боғлиқлиги ва қобилиятларнинг ривожланиши учун дастлабки замин сифатида хизмат қилиши қайд этилган.

Мавзунинг таянч тушунчалари:

қобилият, лаёқат, маҳорат, талант, истеъдод, педагогик қобилият, коммуникатив қобилият, дидактик қобилият, авторитар қобилият, перцептив қобилият.

Мустақил иш мавзуси:

1. *Қобилият ҳақида тушунча беринг.*
2. *Қобилиятнинг турлари ва тузилиши ҳақида.*
3. *Қобилият ва лаёқат.*
4. *Талант, иқтидор, истеъдод ҳақида тушунча.*
5. *Қобилият ва ёшларнинг касб танлаш муаммоси.*
6. *Қобилиятни ўрганиш методлари ҳақида.*

Талабаларнинг билимини синаш учун тестлар:

1. Фаолият нима:

- А) билишга бўлган эҳтиёж ва шу асосда шаклланган мотивлар;
- Б) мақсадларимиз мазмуни ва уни бажариш усули;
- В) шахснинг онгида, хулқ-атворида содир бўладиган ўзгаришлар;
- Г) одамнинг ташқи (жисмоний) ва ички (психик) фаоллиги.

2. Кўникма – бу:

- А) фаолиятда фаоллик кўрсатиш;
- Б) фаолиятдаги иш ҳаракатларни ўзлаштириш жараёни;
- В) қайта-қайта қилинадиган амалий иш;
- Г) иш-ҳаракатлар йиғиндиси.

3. Малака – бу:

- А) иш-ҳаракатларни ўзлаштириш жараёни;
- Б) иш-ҳаракатларни машқ қилиш натижасида автоматлашиб кетиши;
- В) шахс фаолиятининг эҳтиёжи;
- Г) иш-ҳаракатларни бажариш усуллари.

4. Кўникма ва малакаларнинг шаклланиш қонуни:

- А) пластиклик қонуни;
- Б) нотекиклик қонуни;
- В) юксалиш, тормозланиш, пасайиш қонуни;
- Г) интеграция қонуни.

5. Мулоқот – бу:

- А) ҳаётий муҳим масалаларни бошқа одамлар билан ҳал қилиш жараёни;
- Б) инсонни амалий ва назарий фаолиятни ташкил этиш усули;
- В) эътиқод, дунёқараш ва идеалларнинг шаклланиш жараёни;
- Г) болаларда ақлий, ахлоқий ҳисларининг пайдо бўлиш жараёни.

6. Педагогик мулоқот – бу:

- А) педагогик кўзатувчанлик, ташаббускарлик;
- Б) педагог ва ўқувчиларнинг биргаликда ҳаракат қилиш усули;
- В) таълим-тарбияни бошқариш жараёни;
- Г) ўқувчилар жамоаси билан муносабат.

7. Мулоқот воситаси – бу:

- А) оғзаки нутқ;
- Б) ёзма нутқ;
- В) тил;
- Г) ички нутқ.

8. Коммуникацияда кенг фойдаланиладиган нутқ:

- А) ички нутқ;
- Б) оғзаки нутқ;
- В) ёзма нутқ;
- Г) афазиялар

9. Лаёқат – бу:

- А) шахснинг яқка хусусияти;
- Б) лаёқат қобилиятнинг шаклланишига таъсир қилади;
- В) қобилиятнинг ривожланиши туғма имконият;

Г) тасаввурлар туплами.

10. Истедод – бу:

- А) кишининг муайян фаолиятга лаёқати;
- Б) инстинкт;
- В) кўникма, малака, билим;
- Г) қобилиятларда намоён бўладиган туғма хусусият.

11. Ҳиссий билиш – бу:

- А) фикрларни муҳокама қилиб нарса ва ходисаларни билиб олиш;
- Б) фикрларни амалий фаолиятда акс эттириш;
- В) воқеани нутқ иштирокида акс эттириш;
- Г) нарса ва ходисаларни сезги, идрок, тасаввурларда акс эттириш.

12. Фикр юритиш жараёнлари – бу:

- А) тушунча, ҳукм;
- Б) индукция, дедукция ҳулосалаш;
- В) аналогия;
- Г) анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш.

13. Борликни бевосита акс эттириш:

- А) тасаввурлар орқали;
- Б) идрок ва тасаввурлар орқали;
- В) тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш;
- Г) таққослаш, анализ ва синтез орқали бўлади.

14. Тафаккур турлари – бу:

- А) анализ, синтез, таққослаш;
- Б) тушунча, ҳукм, ҳулоса чиқариш;
- В) конкрет, абстракт, назарий, амалий
- Г) мустақиллик, танқидийлик.

15. Хотира – бу:

- А) олдин қабул қилинган тасаввурларни эсда сақлаш;
- Б) инсоннинг билим ва тажрибаларни эгаллаш, эсда сақлаш, эсга туширишдан иборат билиш фаолияти;
- В) ўтмишдаги воқеаларни амалий фаолиятда қўллаш жараёни;
- Г) дунёни умумлаштириб мияда акс эттириш жараёни.

16. Фаолият мақсадига кўра хотира тури:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) ҳаракат, эмоционал, образли;
- В) қисқа ва узоқ муддатли;
- Г) оператив, сўз-мантиқ.

17. Психик фаоллигига кура хотира тури:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) ҳаракат, эмоционал, образли, сўз-мантиқ;
- В) қисқа ва узоқ муддатли, оператив;
- Г) сезган, идрок қилган буюмларни хотиралаш.

18. Хотира жараёнини аниқлаш:

- А) ўтмиш нарсани ўрганиш ва тажриба орттириш;
- Б) эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш;

- В) маъносига тушуниб, тушунмай эслаш;
- Г) воқеанинг бўлиб ўтган жойи, вақтини эслаш.

19. Дикқат – бу:

- А) нарса ва ходисаларни яхши акс эттириш;
- Б) нарса ва ходисаларни умумлаштириб акс эттириш;
- В) хар қандай фаолиятнинг зарурий шарти;
- Г) онгимизнинг бирор объектига йўналиши ва тўпланиши.

20. Дикқат турлари:

- А) дикқатнинг кўчиб туриши;
- Б) ихтиёрий, ихтиёрсиз, мувофиқлашган;
- В) тилак, истак, хоҳиш, орзу;
- Г) барқарор, беқарор, кучли.

21. Дикқат хусусияти – бу:

- А) ихтиёрий, ихтиёрсиз;
- Б) ташқи ва ички;
- В) кўчиши, бўлиниши, тебраниши;
- Г) синестизия, ихтиёрсиз, беқарор.

22. Дикқатнинг нерв-физиологик асоси:

- А) анализаторлар комплекси;
- Б) муваққат боғланишлар тизими;
- В) оптимал кўзғалиш ўчоғи;
- Г) шартли рефлекслар.

А Д А Б И Ё Т Л А Р

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни. Т. 1997 й.
2. Каримов И. Юксак малакали кадрлар – Ўзбекистон келажаги пойдевори. Т.1997.
3. Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.Т.: 1999.
4. И.Каримов «Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори» 1997 й.
5. Асмонов А.Г. Деятельность и установка. МДУ нашриёти. 1991.
6. Анаёев Б.Г. Психология чувственного признания. М.,1978
7. Артомонов.И.Д Иллюзия зрения.М., 1985
8. Гोनоболин Ф.М.Психология. Т.1985.
9. Добринин Н.Ф. Внимание и её воспитание. М.1986.
- 10.Иванов П.И. Ирода ва уни ўстириш. 1965.
- 11.Иванов П.И. Умумий психология. Т. «Ўқитувчи» 1974.
- 12.Кравков .С.В. Глаз и его работа. М., 1978
- 13.Леонтьев А.И. Деятельность. Сознание. Личность. М. 1975.
- 14.Мерлин В.И.Очерк теории темперамента М.1974 йил.
- 15.Платонов К.К. Қизиқарли психология. Т., 1982.
- 16.Психология: изохли лугат. Т.: 1998.
- 17.Рахмонова М. Психология курсида кўрсатмалилик. Т. 1990.
- 18.Токерева В.А. Кучли ирода ва мустахам характер эгаси бул. Т.:1969.
- 19.Умумий психология. А.В. Петровский тахририда. Т. 1992й.
- 20.Умумий психологиядан хрестоматия. 1991й.
21. Хрестоматия по вниманию. М.1990.
- 22.Хрестоматия по ощущению и восприятию М., 1975.
23. Эльконин Д.Б. Психология игры. М. 1972.
24. Ғозиев Э. «Олий мактаб психологияси» Т.. 1997 й.
25. Ғозиев Э. «Психология» Т., 1994 й.
26. Хрестоматия по общей психологии. 1995.